



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
4-fevral
chorshanba
№ 5 (1483)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

ЭЪТИРОФ

Саид ЮСУФ:

Ўзбекистон ТУРКСОЙ фаолиятига янги ҳаёт бағишлади

Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ Бош котиби ўринбосари Саид Юсуф “Дунё” АА мухбирига Ўзбекистоннинг туркий меросни асраб-авайлашдаги роли, мамлакатимизнинг ташкилот доирасида ҳамкорликни ривожлантиришдаги фаол позицияси ҳақида фикр билдирди:

— Туркий дунё — бу умумий тарих, тил ва буюк маънавий меросга таянадиган улкан цивилизация маконидир. У Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи муҳим ҳудуд сифатида жаҳон тараққиётида катта ўрин эгаллайди. Туркий халқлар яратган давлатчилик анъаналари, илмий-маърифий мерос ва маданий бойликлар инсоният цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилган. Туркий дунёнинг ҳар бир манзилда улмас маданий мерос мавжуд бўлиб, бу борада, айниқса, Ўзбекистоннинг аҳамияти беқиёсдир.

Зеро, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби гўзал ва бетакрор шаҳарлар қадимдан маданият ва илм-фан бешиги бўлган. Туркий дунёнинг бу табарруқ заминидан Муҳаммад ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломалар етишиб чиққан. Уларнинг илмий мероси — математика, астрономия, тиб-



биёт, фалсафа ва ҳадис илми каби йўналишлар нафақат ўша даврда, балки бугунги кун илм-фани ва маънавий тараққиётида ҳам мустақкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Масалан, VIII-IX асрларда яшаб ижод этган улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмий “ноль” рақамини ва ўнлик санок тизимини ҳамда кутблар координатларини биринчилардан бўлиб асослаб берган ва амалиётга татбиқ этган. У яратган алгебра ва алгоритм-

лашга оид илмий назариялар замонавий математика, информатика ва рақамли технологиялар ривожининг пойдевори саналади. Имом Бухорий ва Имом Термизийнинг ҳадис илмидаги мероси эса ислом маънавияти, ахлоқ ва ижтимоий муносабатлар шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Абу Райҳон Беруний математика, астрономия, тарих, география сингари турли фан соҳалари билан шуғулланган. Ернинг кўёш атрофида айланиши ҳақидаги фикрини илгари сурган, Ернинг думалоқ шаклда эканлигини асослаб берган ва дунёнинг географик харитасини тузган.

Абу Али ибн Синонинг тиббиёт ва фалсафа соҳасидаги асарлари ҳозирги замон тиббий таълими ва илмий ёндашувлар учун асос бўлмоқда. Мирзо Улуғбекнинг астрономик кузатувлари ва илмий ҳисоб-китоблари эса замонавий астрономия фани ривожига катта таъсир кўрсатган.

Бундай мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Энг муҳими, бугунги кунда Ўзбекистон ана шу буюк меросни, маданиятни, қадриятларини асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиши билан бир қаторда, аждодларга муносиб авлодларни етиштиришга ҳам жуда катта эътибор қаратмоқда.

3-6

ЭЪТИРОМ

Мунаввар кўнғил

Академик
Қаландар АБДУРАҲМОНОВГА

Илму интизом йўли таржимаи ҳолимда,
Ҳаётим моҳияти жавобу саволимда,
Очилмаган эшиклар қалити бор олимда,
Манзилим илму ҳикмат, қаландарман, қаландар.

Англадим, Худойимнинг одил ҳукми бор доим,
Гоҳ тошдай ботар қунлар, гоҳ ўтар бир мулойим,
Маърифат сувларида қорилган экан лойим,
Пок илм зое бўлмас, музаффарман, музаффар.

Мен гулга кўнгул кўйдим, лек гулни юлганим йўқ,
Гулдай яшнаб яшадим, гулдайн сўлганим йўқ,
Ишқ йўлида кўп кўйдим, аммо кул бўлганим йўқ,
Тангидан инъом-тақдир, самандарман, самандар.

Мен иқтисод фанида бу кун устодман, устод,
Меҳр бердим, меҳрни қилмадим ҳеч иқтисод,
Шу халқ фаровон бўлсин, шу Ватан бўлсин обод,
Токи танда жоним бор, элпарварман, элпарвар.

Илм — пайгамбарлар йўли машаққатдир, меҳнатдир,
Игнада қудуқ қазиб сув чиқармоқ роҳатдир,
Ҳар бир инсон ҳаёти билганга насиҳатдир,
Илм туфайли кўнгли мунавварман, мунаввар.

Ғайрат МАЖИД



КЕЛГУСИ СОНДА:

Ўзбекистон Муслмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин ҲОЛИҚНАЗАР билан суҳбат



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

“AGROBANK” АТБ:

БАРҚАРОР ЎСИШ, ТИЗИМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

“Agrobank” акциядорлик тижорат банки биноси нафақат “Tashkent city” мажмуасига, балки пойтахтимизга ҳам кўрк бағишлаб турибди. Куни кеча “Agrobank” АТБнинг бош офиси анжуманлар залида банк бошқаруви, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчиларига дастлаб “Agrobank”нинг 2025 йил фаолияти яқунлари ва 2026 йил устувор вазифалари ахс эттирилган видеоролик намойиш этилди.

Шундан сўнг ўтган йилги фаолият яқунлари ва жорий йилдаги устувор вазифалар ҳақида “Agrobank” акциядорлик тижорат банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жамшид Турдиев йиғилганлар хузурида ахборот берди.

— 2025 йил “Agrobank” АТБ учун барқарор ўсиш, тизимли трансформация ва рақамли молиявий хизматларни жадал ривожлантириш даври бўлди, — деди Жамшид Турдиев. — Йил яқунларига кўра, банк активлари 103,6 триллион сўмга етди ва банк тизимида 2-ўринни эгаллади. Бу ку-

вончли кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 24,2 триллион сўмга ёки 130 фоизга ўсганини англатади.

Кредит қўйилмалар ҳажми 81,1 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 21,6 триллион сўмга ёки 136 фоизга ошди. 2025 йилда жами 42,2 триллион сўм кредит ажратилди. Шундан 23,1 триллион сўми микро, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилди.

2-6

ЭССЕ

АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗ БАҲОДИРИ



“Исмлар кўкдан энади”, дейдилар. Ҳақиқатан, одамнинг исми ва қисмати, одатда, уйғун келади. Филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримнинг келбати ҳам паҳлавонларга хос. Узининг сўзларига кўра, бобосини Карим дав деб аташган экан. Жисмонан қорувли экани насабдан ўтган бўлса керак. Баҳодир зиёли оилада туғилган: отаси Нурмат Каримов мактабда физика-математикадан дарс берса-да, шеърятга муҳаббати баланд бўлгани, дарс жараёнида ўқувчиларнинг толиққан тафаккурига дам бериш учун шеърлар ўқиб бергани, онаси Зиёда биби ҳамшира сифатида эл дардига малҳам кўйгани ҳақида ёзади.

Демак, ота-боболари жисмонан бақувват, табиийки, маънан ҳалол-пок, виждонли ва зиёли инсонлар бўлган. Баҳодиржон болалигиданоқ китобга ошно тутинган, туман газетасида чиқишлар қилиб турган. Унинг қалбида адабиётга муҳаббат уйғониши ва илм йўлини танлашида ана шу оилавий ва мактаб муҳитининг ўрни катта бўлгани аён.

ДЎСТНИНГ ЭСКИСИ ЯХШИ

Ушбу нақл ҳаёт синовлари асосида айтилган ва айна ҳақиқатни ифодалайди. Баҳодирни талабалик кезларидан яхши биламан. Биринчи танишувданок у менда оққўнғил ва самимий, илмсевар сифатида таассурот қолдирган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий уни-

верситети ўзбек филологияси фан-культетида бир курс фарқи билан тахсил олганмиз. Табиийки, талабалик давримиз бирга ўтган. У университетнинг фаол талабаларидан эди. Уқишни битиргач, мен Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлёмалар институти аспирантурасига қабул қилиндим. Бир йилдан кейин битирган Баҳодир “Ҳозирги ўзбек адабиёти” кафедраси аспиранти бўлди. Биз тез-тез кўришиб, фикрлашиб турардик.

1999 йили устоз Беғали Қосимов ва ўша кездеги декан, профессор Қозоқбой Йўлдошев тақлифига кўра, Миллий университетнинг ўзим ўқиган факультетига ишга келдим. Баҳодиржон билан

бир даргоҳда фаолият олиб бордик. Уша йили уни “Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий алоқалар” кафедрасига мудар этиб тайинлашди. Ўзидан олдинги кафедра мудири, профессор Лазиз Қайюмов домланинг хурматини нечоғлиқ ўрнига қўйганини бутун университет аҳли хозиргача яхши сўзлар билан хотирлайди. 2003-2006 йиллари факультет декани сифатида ўзининг бошқарув салоҳияти юқори эканини кўрсатди. Фан доктори илмий даражасини берувчи кенгаши бошқарди. Мен 2004 йили докторлик диссертациямини ана шу кенгашда ҳимоя қилганман. Баҳодиржон раҳбарлик ва одамийликни уйғун олиб борди.

5-6

“AGROBANK” ATB:

БАРҚАРОР ЎСИШ, ТИЗИМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

1-6. Банк мижозлар билан қувватли бўлади. Мижозлар сони 7,4 миллион нафарга етгани ва бир йилда мижозлар сони 1,5 миллион нафардан ошганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Депозитлар ҳажми 32,5 триллион сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 13,3 триллион сўмга ўсди. Аҳоли омонатлари 15,9 триллион сўмга етди. Бу банкка бўлган ишонч даражаси ошганидан далолатдир.

“Agrobank” 2025 йилда аҳоли омонатлари ўсиши бўйича банк тизимида энг етакчи ўрнини эгаллади.

“Agrobank” ATB матбуот хизматидан олинган маълумотларга қараганда, 2025 йилда банкда “Сунъий интеллект лойиҳа офиси” ташкил этилди. Лойиҳа офисининг асосий мақсади банк фаолиятида ва қишлоқ ҳўжалигида замонавий сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқишдир.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида кредит ажратиш жараёнлари тубдан қайта қўриб чиқилди. Натижада чакана кредитлар бўйича қарор қабул қилиш муддати 3 кундан 15 дақиқачага, ипотека кредитлари бўйича эса 1 ҳафтадан 1 кунгача қисқартирилди.

2025 йилда жисмоний шахсларга 2,5 миллионга банк карталари эмиссия қилиниб, 12,7 триллион сўм чакана кредит ажратилди, шундан 2,8 триллион сўми ипотека кредитларига тўри келади. Чакана кредит портфели 11,1 триллион сўмга етди.

“Agrobank” 2025 йилда жисмоний шахсларга чакана кредитлар ажратиш бўйича ҳам етакчи бўлди.

Анжуманда банк бошқаруви раиси ўринбосари Илбос Аманов қишлоқ ҳўжалиги соҳасини молиялаштириш банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида қайд этди.

Унинг таъкидлашича, 2025 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта хомашёсининг 80 фоизи, бошоқли дон ҳосилининг 95 фоизи “Agrobank” томонидан молиялаштирилди. Пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун жами 15 триллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш ўта муҳим стратегик аҳамият касб этмоқда. 2025 йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилиш учун 2,4 триллион сўм йўналтирилди. Фермер ҳўжаликларининг ички сўғориш насос агрегатларини қўйиш панеллари билан таъминлаш учун қарийб 1 триллион сўм молиялаштириш амалга оширилди.

Хитой давлатидан 1400 тонна юқори си-



фатли пахта уруғи олиб келиниб, фермерларга етказиб берилди. Натижада ҳосилдорлик 40-50 центнерга етди. Келаси йили 300 минг гектар майдонда Шинжон усулида пахта етиштирилади.

— “Маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида банкка бириктирилган 1 759 та маҳаллага 5,3 триллион сўм кредит ажратилиб, 501 минг нафардан ортқ аҳолининг бандлиги таъминланган бўлса, уларнинг 258 мингдан ортиғи хотин-қизлардир, — деди Ж.Турдиев журналистнинг саволига жавобан.

Банкнинг 170 та филиали, 38 та банк хизматлари маркази ва 154 та смарт офисларида аҳоли учун қулай молиявий хизматлар кўрсатилмоқда.

— Бошқарув тизимини замонавийлаштириш мақсадида трансформация жараёнлари давом эттирилиб, 2025-2029 йилларга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилди, — деди бизнес ва рақамли маҳсулотлар мажмуаси раҳбари Хондамир Бегматжонов. — “Мижозга йўналтирилган банк” концепцияси асосида “Каизен” ёндашуви жорий этилди. Банкнимизни халқаро андозаларга мос иш юритадиган тижорат банкига айлантириб, трансформацияни ривожлантираимиз.

Ижтимоий лойиҳалар доирасида “Agrobooks” ташаббуси асосида сувдан оқилонга фойдаланишга бағишланган 30 та методик қўлланмадан иборат “Сув китоби” тўплами 5 минг нусхада нашр этилиб, фермерларга бепул тарқатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

лаб-қувватлаш мақсадида жами 56,2 триллион сўм кредит ажратиш режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 14 триллион сўмга кўпдир. Шундан 23 триллион сўм микро, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилади.

Хорижий банклар ва молия институтларидан 600 млн АҚШ доллари маблағ жалб қилиш, ҳудудий дастурлар доирасида 579 та лойиҳа учун 116,3 млн доллар кредит ажратиш белгиланган.


“Маҳаллабай” тизим доирасида 1759 та маҳаллада 2,8 триллион сўм кредит ажратилиб, 210 минг нафардан ортқ аҳоли бандлиги таъминланади. Шунингдек, олий таълим муассасаларини тамомлаган 3,6 минг нафар битирувчи иш билан таъминланади.

Қишлоқ ҳўжалигида Узун туманида 50 гектар майдонда хурмо ва анжир, Бахмал туманида 123 гектар майдонда олма ва нок етиштиришдан тортиб, экспортга қўйилган барча босқичларни қамраб олган замонавий агрокомплекслар ташкил этилади.

Шу пайтга қадар фермер ҳўжаликларининг пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришида экин ҳолати анъанавий тарзда мониторинг қилинаётган бўлса, босқичма-босқич бу амалиётлар космик суратлар ва дронлар ёрдамидаги массовий мониторингга ўтказилади.

Қишлоқ ҳўжалиги йўналишида рақамли маҳсулотларни кенгайтириш, шу жумладан, сунъий интеллект ва “big-data” технологиялари асосида янги хизматларни ишлаб чиқиш 2026 йилдаги устувор вазифалардан бўлиб қолади.

...Матбуот анжуманида журналистларнинг банк томонидан кредит олиш жараёнлари, сувни тежаш технологиялари, сўғориш маданияти, муаммоли кредитларни қисқартириш, банк мижозларини киберҳўжумлардан ҳимоялаш бўйича берган саволларига бошқарув раиси ўринбосарлари ва бошқа масъул раҳбарлар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди. Анжуманга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан таклиф этилган банк мижозлари ҳам ўзаро ҳамкорлик натижасида



2026 йилда жисмоний шахсларга 750 мингга банк картаси эмиссия қилиниб, 14 триллион сўм чакана кредит ажратилади, шундан 4,2 триллион сўми ипотека кредитларига тўри келади.

Сув тежовчи технологиялар ва ички сўғориш насос агрегатларига қўйиш панелларини жорий этиш учун 2,6 триллион сўм кредит йўналтирилади. Шунингдек, “Сувчилар мактаби” доирасида 141 та туманда 3,5 минг гектар майдонда замонавий сув тежовчи технологиялар қўлланиладиган “Тажриба майдонлари” ташкил этилади. Шу билан бирга 10 минг нафар фермер ва мутахассислар ўқитилиши ҳам режалаштирилган.

қўлга киритган ютуқлари ва ечилиши лозим бўлган таклифларини билдиришди.

Ушбу тадбирда “Agrobank” келгусида ҳам молиявий хизматлар сифатини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва ҳудудлар молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлида ягона мақсад сари қатъият билан интилаётганига, мамлакат иқтисодиётини изчил қўллаб-қувватлашга имкониятлари ва саяё-ҳаракатларини йўналтириш учун шайлигига яна бир бор амин бўлди.

Дилмурод ҚИРГИЗБОЕВ,
“Hurriyat” мухбири.
Реклама ҳуқуқи асосида.

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ

ИЗЛАР ҲАҚИҚАТГА ЙЎЛ ОЧАДИ



“СЎЗСИЗ ГУВОҲЛАР”

Қишнинг совуқ кечаларидан бири. Мингбулоқ тумани Мустақиллик МФЙ Озодлик кўчасидаги 5-уйда хонадон соҳибларининг барчаси тинч уйқуда. Аммо шу осудаликни номаълум шахслар бузди.

Тун қоронғисида улар дераза орқали уйга яширинча киришди. Секин, из қолдирмасликка уринган ҳолда хоналарни титқилашди. Тоқчада, кутубда, сандиқда сақланган қимматбаҳо тилла буюмлар бирма-бир ёнхалталарга жойланди. Ҳар бири бозор баҳосида 20 миллион сўм бўлган икки дона тилла узук, 15 миллион сўмлик бир дона “Бобушоқ” номли тилла узук ва бошқа турли тилла тақинчоқлар ҳам қўшилиб, жами 139 миллион 800 минг сўм қийматидаги бойлик тун қарғида ғойиб бўлди.

Эртаси кун хонадон эгаси Абдор Дадабоев ту-

ман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилди. Унинг сўзларида ачқич изтироб, кўзларида эса адолатга умид бор эди.

Подполковник Шуҳрат Давлатов раҳбарлигидаги эксперт-криминалистика жиноят жойини текширишга киришди. Ҳар бир майда-чуйда деталь муҳим эди: дераза ромлари, пол, мебель юзаси. Текширув давомида у махсус техника ва илмий билимлар орқали ўзига керакли маълумотни тўплади. Ҳодиса жойидан олинган бармоқ излари биометрик база билан солиштирилиб, жиноятчи шахси аниқланди.

Қўл излари гапир олмас-да, улар ҳар бир ҳаракатни, ҳар бир қадамни кўрсатганди. Шуҳрат Давлатов изларни синчиклаб текшириб, жиноятни очди. Тажрибали эксперт-криминалистикнинг диққат ва аниқлик билан амалга оширган текширувлари жиноятни фош этишга олиб келди.

ҚАЛБАКИ ИМЗО

Подполковник Шуҳрат Давлатовнинг навбатдаги иш куни. У куннинг биринчи яримда Наманган шаҳар Давлатбод тумани Спортчилар кўчасидаги ер участкаси билан боғлиқ жиноят иши бўйича иш олиб боришга киришди.

Ишнинг бошиданок эътиборни тортиши мумкин бўлган бир неча белгиларни қайд этди. У ер участкаси кадастр режасидаги ҳужжатларни қўриб чиқар экан, бунда ўзини “Filial muhandisi || kadastr muhandisi” сифатида таърифлаган Б.Ғаниев (исми-шарифи ўзгартрилган)нинг имзо ҳужжатларини тўлиқ текширишга қарор қилди. Кадастр режасини таҳлил қилаётиб, имзо ҳамда рўйхатдаги маълумотлар ўртасида ноҳолисликлар мавжудлигини пайқайди. Кадастр ҳужжатларидаги шубҳали имзолар хатшунослик ва техник-криминалистика экспертиза орқали текширилиб, улар қалбаки экани аниқланди. Қоғоздаги биргина имзо ортида катта қонунбузарлик тургани аён бўлди.

Бу каби ишларни очиш осон эмас. Бу билим, малака ва тажриба талаб қиладиган жараён. Дактилоскопик, трассологик, хатшунослик, баллистик ва ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизалари — барчаси ҳақиқатга етишиш йўлида хизмат қиладди.

ИНСОН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР

Қаҳрамонимиз, подполковник Шуҳрат Давлатов Наманган вилояти Ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази биометрик идентификация қилиш гуруҳи катта эксперти. У шу масканда ўз тажрибасини қўллаб, ҳар куни қўл излари, имзолар, ҳужжатлар ва биометрик маълумотлар орқали ҳақиқатни тиклаш йўлида хизмат қиладди.

— Ўтган йили 24-28 ноябр кунлари Тошкент вилояти Бўстонлик туманида ўтказилган БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси семинар-тренингда иштирок этиб, билимларимни бойитдим, — деди қаҳрамонимиз. — “Ҳодиса жойларини дронлар ёрдамида картография ва 3D суратга олиш” мавзусидаги машғулотлар янги имкониятлар эшигини очди. Энди жиноят жойи нафақат ердан, балки осмондан ҳам кўздан кечирилади.

Ҳа, бу каби халқаро тажрибалар ҳам соҳа вакилларининг касбий салоҳиятини бойитмоқда. Таъкидлаш жоизки, юқори даражадаги профессионаллик ва диққат билан ишлаш усуллари жиноятнинг тезда фош этилишини таъминлайди. Бу ишда билим ва амалий тажрибанинг ҳамжиҳатлиги орқали ҳақиқатга йўл очилади. Шуҳрат Давлатовнинг бой касбий тажрибаси, жиноятни фош этишда замонавий криминалистика усулларини самарали қўллаш олиши унинг тизимдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга шубҳа йўқ.

Жаҳонгир ТЎХТАСИНОВ.

ИЖТМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА

ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК ЗАРУР!

Давлатнинг асосий “OAuth” аутентификация сервери бузилиши оқибатида Ҳукумат тизимларидан камда 15 миллион Ўзбекистон фуқаросининг шахсий маълумотлари даркнетга чиқиб кетгани айтилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг тиббий маълумотлари сақланган Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (ИҲМА) тизими ҳам тўлиқ бузилган. Ички ишлар органларига тегишли шахсий маълумотларнинг тарқалиши ҳам электрон ҳукумат “OAuth” сервери бузилгани билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Яъни, оддий паспорт маълумотларидан тортиб, иш жойи ва тиббий тарихгача бўлган махфий ахборотлар ҳақарлар қўлга тушгани тахмин қилинмоқда.

НОМИНГИЗГА КРЕДИТ ОЛИШНИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИНГ

15 миллион кишининг шахсий маълумотлари тарқаб кетгани ҳақидаги бугунги хабарлар фондида тавсия: номингизга кредит олишни чеклаб қўйинг. Бунинг нафақат ўзингиз учун, балки ота-онангиз ва ёши каттароқ бошқа оила аъзоларингиз учун ҳам амалга оширинг.

Бунинг учун нима қилиш керак? my.gov.uz порталида “Кредит битимини тузишга тақиқ қўйиш ёки тақиқни олиб ташлаш (https://my.gov.uz/uz/service/1242)” хизмати бор, ушунга клик қилиш керак.

Бу нима дегани? Сиз номингизга кредит расмийлаштирилишига тақиқ қўясиз. Кредит ташкилотлари эса қарз беришдан олдин, фуқаро ўзига кредит ажратилишига тақиқ қўйганини-йўқини, текширишга мажбур. Агар тақиқ аниқланса, сизнинг номингизга кредит ажратилмайди.

Маълумот учун: “Ёқилган” статуси — кредит олишга тақиқ ўрнатилган дегани; “Ўчирилган” статуси — тақиқ йўқ дегани.

Кредитга тақиқ қўйиш етарли эмас, “OneID” ва “MyGov” паролларини алмаштириш ҳамда икки босқичли ҳимояни ёқилиш ҳам маслаҳат беришяпти. Агар ёвуз ниятли шахс (хакер) “OneID”га доступ олган бўлса, у “MyGov” шахсий кабинетига кириб, кредитга қўйилган чекловни бекор қилиши мумкин.

Шунинг учун энг тўғри йўл — “OneID” ва “MyGov” паролларини алмаштириш, икки босқичли ҳимояни ёқиш ва тасдиқ кодларини ҳеч кимга бермасликдир. Токен сизиб чиққан ҳолатларда эса, барча “refresh” токенларини бекор қилиш, барча фаол сессияларни яқунлаш ва паролни алмаштириш тавсия этилади.

Фақат чеклов қўйиш билан чекланманг — аккаунт хавфсизлигини таъминланг.

Киберҳўжум бўлгани ва маълумотлар ташқарига чиққанлиги расман тан олинди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги эски маълумотлар базасига киберҳўжум уюштирилган, аниқ пайтда неча фуқаронинг амалдаги маълумотлари тарқалганини аниқлаш ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида фуқароларнинг шахсий маълумотлари сизиб чиқиши юзасидан тезкор штаб ташкил этилган, ҳозирда ҳолат мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Манба: platforma.uz

Саид ЮСУФ:

Ўзбекистон ТУРКСОЙ фаолиятига янги ҳаёт бағишлади

1-6. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистонни ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида тарихий ислохотларни амалга ошираётгани, очик, амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бераётгани диққатга сазовордир. Ўзбекистоннинг, жумладан, туркий халқлар билан алоқалари янги босқичга кўтарилгани нафақат Марказий Осиёда, балки бутун туркий дунёда мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланишига катта туртки берди. Бинобарин, бизнинг тарихий ўтмишимиз бир бўлгани каби порлоқ келажгимиз ҳам фақат бирлик ва ҳамжиҳатлик, янги ижодий ютуқлар билан муштарак цивилизациямизни ривожлантириш орқали бунёд этилади. Бугунги кунда бутун инсоният, балки ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ айнан мана шундай бирликка муҳтождир.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙнинг ўрни ва аҳамияти катта. Ўзбекистон мазкур нуфузли ташкилотнинг таъсисчиларидан бири ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг топиригига асосан мамлакат 2022 йилдан эътиборан ТУРКСОЙни юксак даражада қўллаб-қувватлаш орқали унинг фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Шу тариха Ўзбекистон ТУРКСОЙ фаолиятига янгича руҳ бағишлади. Бугун ташкилот доирасида амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳада ўзбек халқининг бой маданияти, санъати, анъаналари ва меҳмондўстлик фазилатлари яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда туркий мамлакатлар маданияти ва санъати кунлари, ёшлар ва театр фестиваллари, ижодий форумлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ташкилот доирасидаги илмий-маърифий анжуманлар, туркий тиллар ва адабиётлари ривожига бағишланган халқаро конференциялар, маданий тадбирлар ва лойиҳаларда Ўзбекистон вакиллари фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистоннинг бренди даражасига кўтарилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Халқаро мақом санъати анжумани, “Шарқ тароналари” фестивали, “Лазги” халқаро фестивалида ТУРКСОЙ фаол иштирок этмоқда. Ташкилотимиз томонидан Ўзбек халқининг буюк шоир ва мутафаккирлари, тарихий шахслари таваллуд саналари кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистонда ТУРКСОЙнинг 30 йиллиги жуда катта тантана сифатида нишонланди.

Туркий дунёнинг сиёсат, илм-фан, тиббиёт, адабиёт ва санъат соҳаларида улкан ютуқларга эришган намоёндаларини рағбатлантириш мақсадида буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилган маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликда ҳар йили туркий давлатлардаги шаҳарлардан бирининг “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилиниши энг гўзал анъаналаримиздан бири ҳисобланади. Бу, ана шу шаҳар тимсолида ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги, маданияти, санъати, қадриятларини халқаро миқёсда янада кенг намойиш этишга катта туртки беради. 2021 йилда Ўзбекистоннинг Хива шаҳри “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилинган эди. Жорий йилда Андижон шаҳри шундай юксак макомга эга бўлди. Шу маънода, 2026 йилда ТУРКСОЙ фаолиятининг муҳим қисми Ўзбекистон билан боғлиқ бўлади.



Утган йили Қўқон шаҳри “Туркий дунёнинг хунармандлари шаҳри” деган эътирофга сазовор бўлди. ТУРКСОЙ Бош қотибятида ҳар бир аъзо давлатнинг вакили фаолият кўрсатади. Бизни қувонтирган яна бир жиҳати, ниҳоят ўтган йили Бош қотибятида илк бор Ўзбекистон вакили расман фаолиятини бошлади. Бу ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз.

Ўзбекистон Етакчисининг ТУРКСОЙ фаолиятига

доимо эътибор билан қараши бизга катта мамнуният бағишлайди. Жумладан, ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилган маданият кунлари иштирокчиларига йўллаган табригида Шавкат Мирзиёев: “Биз азалдан тарихи, тили ва дини, урф-одат ва анъаналари, бугунги оруз-интилишлари муштарак бўлган халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда ТУРКСОЙнинг улкан ўрни ҳамда аҳамияти борлигини миннатдорлик билан эътироф этамиз”, дея таъкидлаган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев ТУРКСОЙ фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам тақлифларини илгари суриб келмоқда. Хусусан, 2025 йил 21 май кунини Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида Ўзбекистон раҳбари давлатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликни ривожлантиришда Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ алоҳида ўринга эга эканлигини эътироф этиб, бу йўналишдаги сай-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқиш ва ТУРКСОЙнинг нуфузини янада ошириш учун унинг фаолияти ва тузилмасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш зарурлигини билдирди. Шу асосда ўтган йили 7 октябрда Озарбайжоннинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 12-йилгилишида Давлат раҳбарлари томонидан “Халқаро туркий маданият ташкилоти ТУРКСОЙни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ҳозирги вақтда ТУРКСОЙ Бош қотибяти ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида аъзо давлатлар билан биргаликда фаол иш олиб бормоқда.

2025 йил якунлишини арафасида яна бир қувончли воқеа гувоҳи бўлдик. Ноябрь ойида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон Президентлари иштирокида “Келажак мероси” халқаро мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Биз учун аҳамиятли жиҳати, ушбу нуфузли мукофотнинг илк соҳиблари қаторида ТУРКСОЙ Бош қотиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раев “Адабиёт” номинациясида тақдирланди.

Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг туркий дунёда тутган ўрни нафақат бой тарихий мерос, балки порлоқ келажакка қаратилган стратегик эзгу интилишлар билан белгиланади. Хурматли Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилатган учинчи Ренессанс ғояси ва ТУРКСОЙ доирасидаги янгиланишлар қардош халқларимизнинг маънавий бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аҳдодлар шарафи ва авлодлар содати йўлидаги бундай ҳамжиҳатлик туркий цивилизациянинг жаҳон майдониди нуфузини янада юксалтириши шубҳасиз. Ўзбекистон эса ўзининг илмий-маданий салоҳияти билан туркий оламнинг маънавий юраги бўлиб қолаверади.

“Дунё” АА,
Анқара шаҳри.

ЎҚУҚ



СУД ТИЗИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида изчил ва кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлар, аввало, инсон ҳуқуқлари, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президент томонидан илгари сурилган “Адолат — давлат сиёсатининг устувор йўналиши” деган тамойил суд тизимидаги ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг нуфузини ошириш ва уларни ҳар қандай таъсиридан ҳимоя қилиш бугун давлатимиз сиёсатидир.

Сўнгги йилларда судьяларни танлаш ва тайинлашда очиклик ва шаффоқликка эришилди. Судьялар фаолиятини баҳолашнинг янги тизими жорий қилиниб, уларнинг касбий маҳорати ва ҳалоллиги асосий мезон сифатида белгиланди. Бу эса суд қарорларининг ҳолис ва адолатли қабул қилинишига хизмат қилмоқда.

Президент ташаббуси билан инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш қасолатлари кучайтирилди. Айбсизлик презумпцияси амалда таъминланди, фуқароларни асоссиз жавобгарликка тортиш ҳолатларига сезиларли чек қўйилди. Қамоққа олиш, тинтув ўтказиш каби қоралар фақат суд қарорлари асосида амалга оширилиши қатъий қоидага айланди.

Шунингдек, суд ишларида замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши бугунги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Электрон судлов тизими, онлайн суд мажлислари ва суд қарорларининг очик эълон қилиниши суд жараёнларида ҳолисликни таъминлаб, фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Маъмурий судлар фаолиятининг кенгайиши ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилган муҳим ислохотлардан ҳисобланади. Бу орқали фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органлари устида шикоят қилиш ҳуқуқи самарали қасолатланмоқда.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари мамлакатда адолатли жамият ва ҳақиқий ҳуқуқий давлат барпо этишга хизмат қилмоқда. Бу ислохотлар халқ манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва келажак авлод учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Хуршид ИБРАГИМХОДЖАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг
тергов судьяси.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрда мамлакат парламенти ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида ўтган йилни сарҳисоб қилди ва галдаги вазифаларни белгиледи. Мурожаатномада муҳим масалалар қатори, жамиятимиз тараққиётида касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Бу йўналиш моҳиятига кўра инсон ва меҳнат қадрини устувор қўйишга асосланган инсонпарвар ғояга таянади. Чунки меҳнат — инсоннинг ўзини намоён этиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ҳамда ҳаёт мазмунини англаш воситасидир. 2021 йилда ўрганилган статистикада Ўзбекистонда умумий касблар ва мутахассисликлар сони 12 107 та бўлиб, улар касб-ҳунар маълумот тизимида қайд этилган. Бу касблар ва лавозимлар касблар классификатори асосида шакллантирилган (интернет маълумотлари). Бугун касбларнинг замон талабига мос равишда ривожланиши инсон салоҳиятини очигина хизмат қилади ва жамиятнинг барқарор тараққиёт сари етаклайди. Аслида, янги меҳнат бозори архитектураси — анъанавий иш ўринлари билан чекланиб қолмасдан, билим, кўникама ва ижодий фикрга асосланган муносабатлар тизимидир. Рақамли иқтисодиёт, инновация ва технологиялар ривожини таъминлашда янги касблар пайдо бўлмоқда, айрим эски касблар эса янгиланмоқда. Бу жараён инсонни доимий ўрганишга, ўз устида ишлашга ва ўзгаришларга мослашишга ундайди.

Ҳар бир жамиятда касбларни ривожлантириш, илму ҳунарга эътибор ижтимоий адолат ва тенг имкониятлар ғоясини ҳам мустаҳкамлайди. Агар меҳнат бозори очик, шаффоф ва малакаларга асосланган бўлса, ҳар бир инсон ўз қобилиятига қараб ўз ўрнини топа олади. Янги Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими, қайта тайёрлаш ва малакани ошириш тизимларининг ривожланиши аҳолининг турли қатламлари учун ижтимоий ҳаракатчанликни таъминлайди. Умуман олганда, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш жамиятнинг келажакка бўлган ишончини оширади. Инсон ўз меҳнати орқали муносиб ҳаёт кечирishi имкониятига эга бўлса, у жамият равнақига фаол ҳисса қўшади. Шу маънода, Янги Ўзбекистонда меҳнат бозорини ислоҳ қилиш фақат иқтисодий зарурат эмас, балки инсонпарвар ва маънавий тараққиётни таъминлайдиган фалсафий танловдир.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада: “Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида — касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур”, дея таъкидлади. Бундай механизм интеграл меҳнат ва таълим тизими ҳисобланиб, унда таълим жараёни амалиёт ва назарияни уйғунлаштириб, мутахассисларнинг соҳавий билим ва амалий кўникмаларини ривожлантиради. Масалан, касб таълими орқали талабалар замонавий технология ва қурилмалардан фойдаланишни ўрганади, шунингдек, ишлаб чиқарилган

базарни замонавий бозорга мос кадрларга айлантиради. Шу тарзда, касб ва малака соҳасидаги эҳтиёж технология ва инновациялар билан уйғунлаштирилади. Бу механизм кадрларнинг давомий таълим ва қайта тайёргарликдан ўтишини ҳам таъминлайди, бу эса иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик учун муҳимдир. Бундай механизмнинг натижаси, аввало, иқтисодий самарадорлик, ишлаб чиқариш сифати ва миллий кадр салоҳиятининг мустаҳкамлашида намоён бўлади, бу дегани касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирувчи механизм мамлакат тараққиётининг асо-

нингдек, уларнинг малакаси ва касбий кўникамлиги иш бозори талаблари билан тўлиқ уйғунлаштирилади. Швециядаги “Технология ва малака марказлари” ҳам касб, малака ва таълимни бирлаштирувчи механизмнинг илғор намунаси ҳисобланади. Бу марказларда талабалар ва мутахассислар янги технологиялар, робототехника ва сунъий интеллект каби соҳаларда ўқитилади ва амалий тажриба олади.

Сингапурда эса “Интеграл касб ва таълим платформалари” орқали таълим ва технологияни бирлаштиришда стратегик ёндашув қўлланилади. Бу платформа талабаларга виртуал

риш жараёнини тўлиқ тушуниш имконини беради ва кадрларнинг бозор талабларига тез мослашишини таъминлайди.

Умуман олганда, бу тизимдаги илғор тажрибалар шуни кўрсатадики, таълим ва амалий касб тайёргарлигини интеграллаштириш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва технология ривожланиши учун асосий омил ҳисобланади. Шу билан бирга, корхоналар билан ҳамкорлик орқали талабалар амалиётдан ташқари иш жараёнларини ҳам ўзлаштирилади. Бу тизим кадрларнинг доимий қайта тайёргарликдан ўтиши ва замонавий технологиялар билан ишлашини таъминлайди.

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, асосан, инсон капиталига боғлиқ бўлиб, касб-ҳунарли авлодлар бу капиталнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Улар турли соҳаларда, хусусан, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаларида самарали меҳнат қилади. Юқори малакали бундай мутахассислар мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, улар янги технологиялар ва инновацияларни самарали қўллаш орқали иқтисодий ўсишга ҳисса қўшади. Муҳими, касб-ҳунарли авлодлар шуларнинг асосий манбаи ҳисобланиб, уларнинг салоҳияти миллий ресурслардан тўлиқ фойдаланишга ёрдам беради. Давлатнинг стратегик режалари уларсиз тўлиқ амалга оширилмайди, шу боис уларни тарбиялаш ва ривожлантириш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

Касб-ҳунарли авлодлар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди. Чунки малакали мутахассислар импорнга эҳтиёж қолдирмайди, ички маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, таъки бозорга боғлиқликни камайтиради. Улар маҳаллий ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириб, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширади. Касб-ҳунарли кадрлар ишсизлик даражасини пасайтиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар меҳнат бозориди янги имкониятлар яратиши ва иқтисодий фаолликни оширади. Иқтисодиётнинг барқарорлиги, инвестициялар ва ишлаб чиқариш ҳажми уларнинг салоҳиятига боғлиқ. Шунингдек, касб-ҳунарли кадрлар таълим ва малака тизимида ҳам стратегик аҳамиятга эга. Улар кейинги авлод учун намуна бўлиб, билим ва тажриба узатади. Бу эса мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиётини таъминлайди.

Абдухалиқ ТАШАНОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтининг бўлим бошлиғи,
фалсафа фанлари доктори.

КАСБ-ҲУНАРЛИ АВЛОД

жамиятнинг барқарор тараққиёт сари етаклайди



риш жараёнларида самарали фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган малака ва тажрибани эгаллайди. Бу механизм замонавий иқтисодий талаблар ва илмий ривожланиши ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлайди, уларнинг фаолияти инновация ва самарадорликка қаратилган бўлади, яъни у ўқув жараёнини, амалий касбий тайёргарлик ва технологияни бир нуқтада уйғунлаштиради.

Бундан ташқари, бу интеграл тизим давлат ва корхоналарнинг стратегик мақсадларига хизмат қилади. Таълим муассасалари технология ва амалиётни жорий қилиб, тала-



сий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида фаолият кўрсатади.

Бундай тажрибалар жаҳоннинг кўплай ривожланган мамлакатларида кузатилади. Масалан, Германияда “Дуал таълим тизими” касб-ҳунар ва таълимни уйғунлаштиришда дунёдаги энг илғор тизимлардан ҳисобланади. Бу тизим талабаларни ҳам академик таълим олишга, ҳам ишлаб чиқаришда амалий тажриба орттиришга қаратилган. Университетлар ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик орқали талабалар замонавий технология ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишади. Шу-

лабораториялар ва симуляциялар орқали реал иш жараёнларини ўрганиш имконини беради. Шунингдек, корхоналар ва таълим муассасалари орасидаги маълумот алмашуви орқали бозордаги янгиланган ва технологик талаблар доимий равишда таълим жараёнига киритилади. Шунингдек, Жанубий Кореяда “Касбий ва технологик инкубаторлар” тизими қўлланилади. Бу тизимда талабалар ва ёш тадқиқотчилар инновацион лойиҳаларда амалий тажриба орттириб, касбий малака ва технологияни бир вақтда эгаллайди. Корхоналар ва университетлар ўртасидаги ҳамкорлик уларга ишлаб чиқ-

МУЛОҲАЗА

ГАЗЕТАГА МУНОСАБАТ ҚАЧОН ЎЗГАРАДИ?



Босма нашрларнинг адади йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бунга Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторида эмаслиги сабаб бўлмайди.

Менимча, мансаб курсисига кўпинча фақат ўз моддий манфаатини кўзлайдиган, маънавиятга бефарқ, китоб ва газета ўқишга иштиёқи йўқ, фақат "юқори"нинг топшириқларини қўйиллатиб бажариш орқали обрў орттиришни кўзловчи кишилар ўтириб қолаётганидир.

Президент оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар шаънига илиқ фикрлар билдирса, топшириқлар берса, вилоят ҳокимлиги, вилоят ҳокими газеталар бўйича гапирса, туман ҳокимликлари, туман ҳокимлари гапирса, тумандаги ташкилоту муассасалар раҳбарлари бу гап "совиғунча" вақтли нашрлар ҳақида ўйлагандек бўлишиди. Бу ҳолатни, айниқса, обуна жараёнида кузатиш мумкин.

Вилоят ҳокими йиғилишларда обуна масаласида қачонки сўз очса, туман ҳокимлари ҳам ўша кунни бу ҳақда ташкилоту муассасалар раҳбарларига топшириқ бериши таомилга айланган қолган.

Нима учун республикамиздаги диний газета-журналлар адади ҳамisha йил мобайнида юқори миқдорда сакланиб туради-ю, бошқаларда ундай эмас?

Обуна мавсуми бошланиши билан ҳар жума намозидан намозхонлар "Хидоят", "Ислом нури", "Мўминлар" каби газета-журналларга обуна бўлишга қорланади. Отинойлар ҳам жойларда ўтказилмайдиган маросимларда ўз нашрлари обунасининг тарғиботи билан муттасил шуғулланадилар. Қараб турибсизки,

натижалар қувонарли.

Газета-журналларни обуначиларга ўзлари етказишади. Почта ва "Матбуот тарқатувчи" идоралари томонидан эмас. Ўзи обуна ташкиллаштириб, нашрларни ўзи тарқатишнинг аҳамияти катта. Масалан, "Почта" ва "Матбуот тарқатувчи" идоралари томонидан республика, вилоят газеталари 16 январгача обуначиларга етказилмади. Бу ҳолат қачонгача давом этиши номаълум. Ўтган йили почта орқали "Hurriyat" газетасига обуна бўлгандик. Газетани йиғиб-йиғиб, ярим йилда бир олиб келишди. Бу қандай гап?

Биз ҳам қарийб 20 йилдикри, шундай қиламиз. Одам обуна бўлган нашрини ўз вақтида олади. Юқорида номлари саналган ташкилотларга эса бу борада умуман ишонч йўқ.

Агар давлат идоралари, ҳокимиятлар ўзларининг муассислигидаги нашрларни ҳам обуна мавсумида ҳар замонда эмас, лоқал ҳар галги ҳокимлик соатларида доимий эслаб турса, раҳбарлар газета-журналлар обунасига ҳам, мажбуран бўлса-да, ҳар қалай, эътибор қаратишарди. Акс ҳолда...

Таниқли журналист Шухрат Жабборовнинг ўтган йили "Hurriyat"да "Мажбурий обуна тарафдориман" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Унда айтилган фикрларга қўшилмасдан илож йўқ. Газетага қайтиш керак. Бунинг учун эътибор керак.

Қачонки барча бўғинлардаги раҳбару мутахассислар газета ўқишга одаланишса, бошқаларни ҳам ўқишга ўргатишса, ёш авлодда ҳам газета-журнал муталаасини шакллантирсак, одамларимиз ривожланган давлатлардаги сингари вақтли нашрларга

ошно бўлишарми? Қолаверса, бу жараёнда иктиёрий мажбурийлик ҳам муҳимдир.

Тан олишимиз ҳам керак, айрим газеталар номигагина чиқяпти. Кўриниши газета, холос. Обуна бўлган одам ундан барака топмайди. Обунага сарфлаган маблағига ачинади, холос.

Гоҳида 200-500 нусха атрофида чоп этилаётган нашрларда "севимли газетангиз" деган иборача кўзимиз тушади. Бу мантиқсизлик, севимли газета бўлганида минглаб нусхада чоп этилмасмиди?

Ана шу тоифадаги нашрлар бошқа газета-журналларнинг, журналистларнинг шаънига доғ туширмоқда. Ўқийдиган бирорта тузукроқ мақола йўқ. Уни қўлига олган одам "Э, газета шу бўлса..." дейди-да!

Яна бир гап. Туман, вилоят ва албатта, республика нашрларида ҳам айрим газета, журналлар "ўлаётгани", аксарияти номигагина нафас олаётганлиги мавзусидаги жиддий, асосли танқидий-тахлилий мақолалар тез-тез ёритиб борилмоқда. Лекин уларга тегишли мутасаддилар томонидан ҳеч қандай муносабат билдирилмаётгани ажабланарли. Бу гўё маърақага келган "хизмат"даги хотинларнинг "куюниб" йиғлашларига ўхшайди.

Мен ҳам ўзимча жон куйдириб ёзяман-у, мақолага нуқта қўйиш жараёни қинлашгани сари юрагим ачишаётганини англайман.

Аммо, начора?!

Қосимжон АКБАРОВ,
Минбулоқ тумани
"Минбулоқ" газетаси муҳаррири,
"Шухрат" медали соҳиби.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ТАЖРИБАЛИ ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАГА АЪЗО БҮЛДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида Бошқарув йиғилиши қарорига мувофиқ уюшма аъзоллигига қабул қилинган бир гуруҳ марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари — "Маҳалла" радиоканали шартловчиси, устоз журналист Тўлқин Ёрқулов, "Ўзархив" агентлиги матбуот котиби Анваржон Алиев, "Нурли жол" газетаси бўлим мудир Гулжамал Байтураева ҳамда "Класс" республика болалар газетаси бош муҳаррири ўринбосари Лаура Жуманиязовага аъзолик гувоҳномаси ва кўкрак нишонлари топширилди.

Уюшма янги аъзолари билан мулоқотда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов иш режалари ва дастурлар шакллантирилишида уларнинг таклиф, фикр-мулоҳазалари ҳисобга олиниши каби масалалар бўйича сўз юритди.

Ўз навбатида янги аъзолар Уюшма фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича таклиф ва тавсияларини билдирдилар.



ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЯХШИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Сурхондарё вилояти бўлими ҳамда "Сурхондарё сув таъминоти" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида 2025 йилда амалга оширилган ишлар ва 2026 йилга мўлжалланган режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидланишича, яқунланган 2025 йилда вилоят аҳолисини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси йил бошидаги 65,3 фоиздан 67,5 фоизга етказилган. Истеъмолчиларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш кўрсаткичининг йил сайин ошиб бораётгани давлат томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, шунингдек, хуудларда амалга оширилаётган йирик қурилиш, реконструкция ва модернизация ишларининг амалий самараси экани қайд этилди.

Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида сув таъминоти соҳасида матбуот анжуманларининг ўтказилиши аҳолини долзарб масалалар, амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар ечими ҳақида ҳолис ахборот билан таъминлайди. Бу эса жамоатчилик ишончини ошириш, масъул идоралар фаолиятини очик муҳокама қилиш ҳамда соҳадаги ишохотлар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Матбуот анжуманида 2026 йилга мўлжалланган режалар хусусида ҳам фикр алмашилди. Яқунда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.



ВИЛОЯТ ТАРИХИНИ ЁРИТИШГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят Ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Навоий давлат университети доценти Уролбой Ориповнинг "Навоий вилояти жой номиларининг изоҳли луғати" номи янги китоби тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимотда Навоий шаҳар ҳокимлиги масъуллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Навоий давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси олимлари, университет талабалари, китобсевар ёшлар иштирок этишди.

Таъдбирда сўзга чиққан Ахборот-кутубхона маркази директори Дўстмурод Холиқулов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Бахриддин Садриддинов, Навоий шаҳар ҳокимининг ўринбосари Азимжон Ёрқулов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими мутахассиси Дилором Сармоновалар ушбу китобнинг вилоятимиз тарихида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида илиқ фикрларини билдирдилар.

— Ҳаётда шундай одамлар бўладики, мазмунли ва ибратли фаолияти, нури, зиёли, камтарин ва ўрнак бўлгулик яхши номи билан жамиятнинг олдинги сафида юради, — деди Навоий шаҳар ҳокимининг ўринбосари Азимжон Ёрқулов. — Ана шундай фан фидойиси, юқори интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимга эга бўлган олим Уролбой Орипов ушбу китобида вилоятимиздаги жой номиларининг тарихий ва географик жиҳатларини илмий изоҳлаб, энг муҳим воқеаларни қисқа, лекин чуқур мазмунли қилиб ёритган. Китобхон мазкур рисоладан ўрин олган вилоятимиздаги туман, шаҳар, қишлоқлар, маҳалла-кўй номиларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ҳақида етарли билимга эга бўлади.

Тақдимот якунида китоб муаллифи кутубхона фондига ўзининг янги китобидан совға қилди.



ТҮГАРАҚДА РЕПОРТАЖ МАВЗУСИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган "Мен ҳам журналист бўламан" ижодий тўраганининг навбатдаги машғулоти ўтказилди.

Бу галги учрашув журналистиканинг энг жонли ва таъсирчан жанрларидан бири — репортаж мавзусига бағишланди.

Машғулотда Журналистлар уюшмаси аъзолари, хусусан, "Ҳаёт кўзгуси" газетаси муҳаррири М.Тиллаева, "Ишонч" газетаси муҳаррири М.Турабаева, шунингдек, уюшманинг Хоразм вилояти бўлими мутахассиси М.Ҳужумуродова иштирок этди. Унда соҳа мутахассислари ҳамда университет ахборот хизмати раҳбари М.Аҳмедова, "Таржима назарияси ва амалиёти" кафедраси ўқитувчиси М.Тиллаева ҳамда "Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедраси мудираси С.Бабажоновалар талабалар билан мавзу доирасида мулоқот олиб боришди.

Машғулотда репортаж жанрининг назарий асослари, унинг долзарблиги ва амалий аҳамияти ҳақида тажрибали журналистлар ўз фаолиятларидан мисоллар келтириб, ёшлар билан касбий сир-асрорларини бўлишдилар.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ЎЙЛАБ КҮРИНГ

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ШАХС ХАВФСИЗЛИГИ

Бугун ҳаётимизнинг интернет ва замонавий технологияларсиз тасаввур қилиш деярли имконсиз. Айниқса, сўнгги йилларда сунъий интеллект (СИ) технологияларининг жадал ривожланиши жамиятнинг барча жаҳалларига чуқур кириб бормоқда. Медиа, маркетинг, тиббиёт, таълим каби кўплаб соҳаларда СИ инсон меҳнатини енгиллаштириб, вақт ва маблағни тежаш имконини бермоқда. Бироқ ҳар қандай технология тарққийёт сингари, сунъий интеллект ҳам фақат қўлайлик эмас, балки муайян хавф ва ахлоқий муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда.

Сунъий интеллектнинг энг катта ютуқларидан бири инсон омилини камайтириш орқали хизматлар сифатини оширишдир. Масалан, тиббиёт соҳасида СИ асосида ишловчи дастурлар касалликларни эрта аниқлаш, тахлилларни тезкор ва аниқ ўтказиш имконини бермоқда. Шифохоналарда соатлаб навбат кутиш муаммоси аста-секин қисқариб, беморлар масофадан туриб маслаҳат олиш имкониятига эга бўлмоқда. Банк ва молия тизимида эса сунъий интеллект фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш, ҳисоб-китобларни автоматлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Маркетинг ва брендинг соҳасида эса СИ ҳақиқий инқилоб ясади, десак, муболаға бўлмайди. Авваллари бизнес очиш учун катта маблағ, уни ривожлантириш ва оммага танитиш учун профессионал модель, реклама сту-



дияси ва ижодий жамоа талаб этилган бўлса, бугунги кунда сунъий интеллект ёрдамида реклама роликлари, визуал контентлар, ҳатто виртуал моделлар яратиш мумкин. Бу эса кичик бизнес ва стартаплар учун катта имкониятлар эшигини очди.

Бироқ қўлайликлар билан бир қаторда, сунъий интеллектдан нотўғри эга бўлмоқда. Банк ва молия тизимида эса сунъий интеллект фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш, ҳисоб-китобларни автоматлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

қоришган видео ва суратлар тайёрланаётгани жамият учун жиддий таҳдидга айланмоқда.

"Instagram" раҳбари Адам Моссерри сўзларига кўра, сунъий интеллект тўғрисида яқин йилларда фойдаланувчилар энди фотосуратлар ва видеоларни содир бўлаётган воқеаларнинг исботи деб ҳисоблай олмайди.

Бу ҳақда Моссерри "The Verge" нашрига берган интервьюсида айтиб ўтди ва сунъий интеллект томонидан яратилган тасвирлар ва видеолар сифатининг ошганини қайд этди. Унинг таъкидлашича, замонавий алгоритмлар аллақачон ҳақиқий суратдан ажратиб бўлмайдиган контент яратишга қодир.

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, СИ орқали яратилган видео ва тасвирлар шу қадар реал кў-

ринишга эгаки, оддий фойдаланувчи унинг ҳақиқий ёки сунъий эканини ажрата олмайди. Бу эса шахс шаъни, обрў-эътибори ва руҳий ҳолатига жиддий зарар етказиши мумкин. Шантаж, босим ўтказиш, ёлғон ахборот тарқатиш каби ҳолатлар айнан мана шу технологиялар марказида кучайиб бораётгани ачинарли ҳақиқатдир.

Шу боис сунъий интеллект орқали яратилган видео, расм ва бошқа медиа маҳсулотларга махсус белги ёки идентификация жорий этиш бугунги куннинг долзарб талабига айланмоқда. Бундай белгилаш орқали фойдаланувчи контентнинг сунъий яратилганини англай олади ва нотўғри хулосаларга келишнинг олди олинади. Акс ҳолда, технологик қўлайликлар инсон ҳаётини хавф остига қўйишчи омилига айланиши мумкин.

Хуллас, сунъий интеллект нафақат технологик ютуқ, балки катта масъулиятни ҳам талаб этувчи воситадир. У тиббиёт, иқтисодиёт, маркетинг ва бошқа соҳаларда жамият тараққиётига хизмат қилаётган бўлса-да, назоратсиз ва ахлоқий меъёрларсиз қўлланилганда шахс эркинлиги ва маънавиятига жиддий зарар етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам СИ орқали яратилган контентни тартибга солиш, уни махсус белгилаш ва шахс розилигини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина шу йўл билангина сунъий интеллектнинг имкониятларидан оқилона фойдаланиб, унинг салбий оқибатларини камайтириш мумкин бўлади.

Дилора ДҮСМАТОВА

АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗ

Баҳодир



1-6. Табиийки, ноҳақлик ва кўзбўямачиллик тоқат қила олмас, бу каби иллатларга дуч келганда, характери ни кўрсатар эди. Уч йил оёғу-эйтибор билан ишлагандан кейин деканликни менга топширган. Буни ҳаёт дейдилар: баъзан бир-биримизни тўғри тушунмаган ёки муайян вақтларда кимларнингдир таъсирида бахшланган, айтишган бўлишимиз мумкин. Бироқ иккалаимиз ҳам Ҳақ ва ҳақиқат, илм ва маърифат йўлидан оғишмадик.

ЖАДИДШУНОС АЪМОЛИ

“Ҳиммати ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир” — Абдурауф Фитратга тегишли қақмоқдай ўткир бу фикр Туркистон жадидларининг ҳаётий аъмоли эди. Менимча, жадидшунослик билан шугулланган одамда ҳам ана шу икки фазилат бўлиши шарт ва зарур. Унинг ҳиммати — ўзини шу соҳага тўлиқ бағишлай олиши бўлса, саботи — бу йўлдаги ҳар қандай қийинчиликни ҳузур деб қабул қилишидир. Мен Баҳодир Каримнинг жадидшуносликка оид тадқиқотларида ана шу хусусиятлар жамулжам эканини кўраман. У илмга жадидшунос сифатида кириб келди ва ушбу соҳа унинг илмий фаолиятида энг асосий ўринни эгаллайди. Номзодлик диссертациясини жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд илмий-адабий мероси бўйича ҳимоя қилган, бутун салоҳиятини ана шу соҳага сафарбар этди. Олимнинг илк тадқиқотлариёқ факт ва маълумотларнинг бирламчи манбалардан олингани, тахлил қуввати баланд экани, ифода услубининг тинч ва равонлиги билан алоҳида ажралиб турарди. У Вадуд Маҳмуд адабий-танқидий меросини биринчи бўлиб илмий муомалага олиб кирди. Унинг навоийшунос, фитратшунос, фаҳмида мезони, кўнглида инсофи бор мунаққид эканини янгида-янги маълумотлар, чуқур тахлилий фикрлар орқали далиллади. Вадуд Маҳмуднинг ўтган аср 20-йилларида “Илмий-адабий вазифалар турки адабиёти”, “Алишер Навоий”, “Навоий учун”, “Навоийгача турк адабиёти” каби мақолаларида буюк мутафаккирни туркий тил ва адабиётнинг отаси сифатида таништирганини аниқлади. “Алишер Навоий” мақоласида улуғ шoir яшаган муҳит, таржимаи ҳоли ва тарбияси, мутасаввиғлиги, илмий-адабий шахсияти борасида муҳим фикрлар билдирилгани ҳақида эди.

Жадид мунаққиднинг фитратшунослиги, умуман, замондош шоиру адиблар ижодига муносабатини ҳам чуқур ўрганди. Баҳодир Каримнинг аниқлашича, Вадуд Маҳмуд тадқиқотларида “...шахсий манфаатларга ён бериш кайфияти сезилмайди. Асарининг мақтовга лойиқ тарафлари улуғланади, камчиликларидан кўз юмилмайди”. Айни шу хусусият Баҳодир Карим тадқиқотларида ҳам соҳа эканини таъкидлаш керак.

У жадид матбуотининг саргайган саҳифаларини мутасил мутолола қилди, улардаги фикр ва маъно жаҳоҳирларини жорий илмога ўтказиб, оммалаштиришда сабот ва заво намунасини кўрсатди. У бирламчи манбалар асосида Вадуд Маҳмуд “Танланган асарлар”ини, “Чўлпон ва танқид” тўпламини нашр эттирди. Жадид адабиётининг Маҳмудхўжа Бехбудий, Исмоилбек Гаспари, Абдулҳамид Чўлпон, Абдуқодир Шақурий, Абдулла Авлоний, Назир Тўракул ва Сидқий Хондайлик қи каби намоёндалари ҳақида янги илмий қарашларни билдирди. Унинг бирор мақоласи ёки китоби йўқки, адабиётшуносликка янги факт ва маълумотлар олиб кирилмаган ёки чуқур тахлилий фикрлар айтилмаган бўлсин.

Олимнинг 2025 йили “Ўзбекистон” нашриётида босилган “Бехбудий ва бошқалар” китоби ҳам жадидшунослик ривожига алоҳида ўрин тутди. Туркистон жадидчилик ҳаракати карвонбошисининг (Бегали Қосимов таъбири — Н.Ж.) миллат ва дин аҳлининг бошчиси уламо экани, илмий-сизлик, қолоқлик, бепарволик, дангасалик, фикрсизлик, лоқайдлик каби иллатлар таназзулга олиб келиши, миллат ихтилофидан дилхун ва маънос бўлиши миллий матбуот нашрлари, хусусан, ўзи таъсис этган “Ойна” журналий материаллари асосида тахлил этилади. Бехбудийнинг ёш авлод истиқбол, тарихга муносабат масалаларидаги қарашларига илмий ва ижодий тафаккур уйғунлигида муносабат билдирилди. Баҳодир Карим учун илм шунчаки қозғ қоралаш эмас. Яқин ўтмишимиз — жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётини ўрганишдан унинг асл мақсади — Ватан ва Миллатнинг бугуни ва келажакига хизмат қилган ўтти-чўғли фикрларни миллат ёшлари онги ва қалбига жойламоқдир. Қўйидаги фикрлар ана шу мақсадда ёзилганига шубҳа йўқ. “Бехбудийнинг олам ҳодисаларига муносабати замирида ўрнат бор. Унинг дўст билан душман ажрата билиш тамизи ораста. Уз қарашларининг исботи учун келтирилган далилларни кучли. Бехбудийнинг мезони — тарозиси тошларининг ичи ковак эмас. Шунинг учун ҳам унинг мақолалари таркибидан ўнлаб Шарқ алломаларининг исмлари, асарларининг номлари келади. Айни чоғда дунёга таниқли Арасту, Афлотун, Сукрот сингари файласуфлар эсга олинади... Бехбудий ҳазратнинг дунё тамаддуни, дунё олимлари ва дунёга машҳур китоблар билан тиллашувида, оғоҳлигида, ҳайқирғида жуда катта дард, жуда катта орзу ва маъно бор. Бугун таржимаи-хошлунослик машмашаларидан бироз баландлаб, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазрат ёзганларини синчиклаб, сўзма-сўз, сатрма-сатр ўқиш, ўқиш ва у зоти шарифнинг қалбини буткул англаш замони келди”. Олимнинг бу каби ҳароратли сўзлари илм аҳлининг асосий вазифаларидан бўлган фикр тарбиясига хизмат қилиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

ҚОДИРИЙШУНОСЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Баҳодир Карим — бугунги қодирийшунослигимиз байроқдори. “XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида)” мавзусидаги докторлик диссертацияси герменевтик методнинг назарий асослари ҳамда қодирийшуносликнинг мамлакатимиз ва хориждаги тадрижий тақомилии теран тадқиқ қилингани билан алоҳида аҳамиятга эга. “Абдулла Қодирий: танқид, тахлил ва талқин”, “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур”, “Қодирий нарсаси — нафосат қасри”, “Абдулла Қодирий феномени”, “Абдулла Қодирий” (Рисола. “Жадидлар” туркумида) каби китобларида буюк адиб нарсаси ва бадиий публицистикасининг янги кирраларни ҳақида оҳорли илмий-назарий қарашлар билдирилган.

У Абдулла Қодирий асарлари ва қодирийшунослик қонуниятларини ишончли манбалар асосида тахлил этди.



“Ўткан кунлар” романининг дастлабки нашрларини сўзма-сўз, харфма-харф қиёслаб чиқди. Баҳодир Карим ўзи кўрмаган факт ва маълумотга ишонмайди, албатта текшириб кўради, муқояса этади, тахлил қилади, шундан кейингина хулоса чиқаради — унинг ютуқлари сабаби ҳам шунда. Ушбу фазилати боис ўзгача қодирийшунослар ёзган кўлаб рисола ва монографияларда такрорланиб келган биринчи марта “Ўткан кунлар”дан олинган парчалар “Инқилоб” журналининг 1922 йилги сонларида босилгани ҳақидаги фикр асосиз эканини далиллади. Илм аҳли орасида юрган, лекин илмнинг ичида яшамаган кўпчилик учун хос бир лоқайдлик бор: бирор китобдаги факт ёки маълумоти индамай олиб, такрорлайверади. Юқоридаги галати машҳур факт ҳам ана шу тарзда китоблардан китобларга ўтиб келган. Баҳодир Каримнинг аниқлашича, роман аввалидаги олти фасл мазкур журналнинг 1922 йилги сонларида эмас, 1923 йил 9-10 қўшма сони 19-51-бетларида, яна олти фасли бир йиллик танлафусудан сўн 1924 йил 11-12-сонларида чоп этилган. “Қақмчилик” фасли Чўлпон тартиб берган “Адабиёт парчалари” тўпламининг 15-21-саҳифаларида босилган.

Баҳодир Карим сичков матншунос сифатида романининг журналда босилган варианты ҳамда 1925-26 ва 1933 йилги нашрларини қиёслаб ўрганади. Журналда тилга олинган Отабекнинг бобоси Мусобек исми бугунги нашрларда учрамастлигини, бу номда адиб эстетик идеали муҳассас экани, қаҳрамонларини пайғамбарлар номи билан аташи уларга салобат бағишлаши, тоза инсонлар тоифасига мансублигига ишора этиши таъкидланади. Мавжуд матнларда фактик ва мантқиқий хатолар (“Узук биланка тақилдимми?” “Тошқандми ёки Тошқент?”, “Сўзлар ўрин алмашганда”, “Юмшаган кескинлик” сарлаҳағли қисмлар), ёзуви бадиий ниёти нотўғри ифодаланиши каби жиҳатларга ҳолис илмий муносабат билдирилади. Баҳодир Карим “Ўткан кунлар” матни хатолардан холи, адиб вариантга яқин ва мукамал ҳолда чоп этилишини истади. Модомки, қўлхат нухсаси йўқ экан, асарнинг дастлабки уч наشري — “Инқилоб” журналининг, 1925-26 ва 1933 йилги босмалари асосидаги уйғун матнини ҳозирлаш зарурати ҳақида эади. Бу борадаги тахлиллар катта меҳнат ва заҳмат, теран идрок ва заво эвазига юзага келгани аниқ.

Олим қодирийшуносликка тутилмаган факт ва далилларни, чуқур тахлилий қарашларни ва ўзига хос талқинларни олиб кирди, бу йўналиш ривожига янги руҳ бағишлади. Ўтган аср аввалидаги адабиётшунослик мисолида бадиий ижода вулгар социологик усулдаги ёндашув бадиётнинг ноёб дурдонаси бўлган “Ўткан кунлар” мисолида эътирофдан эътирозга, мафкуравий хатолар излашдан исёсий айбловга, ундан улуғ шоиру адибларни қатағон гирдобига ташлашдек ҳақсизлик ва зулмга олиб келгани тахлилий асосда исботланади. Устоз ва замондош адабиётшунослар қарашлари метод ва методология, хусусан, герменевтик талқин хусусиятлари асосида назарий баҳоланади. Баҳодир Карим қодирийшуносликни сатрма-сатр, саҳифама-саҳифа ўрганиб, илмнинг сўнгги ютуқлари асосида баҳолади. Татар Зариф Баширдан қозоқ адиби Мухтор Авезовгача, америкалик Эдвард Олпорт, унинг шогирди Эден Наби ва Христофор Майкл Мурфидан “Ўткан кунлар”нинг оломчона нашрига сўнгсўз ёзган Ниота Тун, икки саҳифалик мақола муаллифи Рудольф Радлер ҳамда ўзбек адабиётшуносларига яқин таниш профессор Ингеборг Балдоуф ва Зигрид Клайнмихелгача бўлган олимлару ижодкорларнинг биринчи миллий романимига муносабат билдирилган монография, диссертация ва мақолаларини профессионал тахлил этди, зарур умумлашмалар чиқарди. Ўзбек ва жаҳон нарсиди Қодирий феноменининг тутган ўрини белгилаб берди.

ЗАМОНАВИЙ АДАБИЙ ЖАРАЁН ТАХЛИЛИ

Ҳар бир адабиётшунос олим ўзи яшаётган давр адабиётини теран тадқиқ қилиши, адабий жараёнга муносабат билдириши, унинг асосий тенденция ва қонуниятларини баҳолаб бориши шарт ва зарур. Баҳодир Каримнинг “Рухият алифбоси”, “Ғафур Ғулломнинг “Шум бола”си” каби китоблари, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Хайридин Султоннинг “Кўнгли озодадир” китобида ёзган сўзбошиси ва ўнлаб тахлилий мақолалари ана шу масалаларга бағишлангани жиҳатидан эътиборга лойиқдир.

“Рухият алифбоси” китоби беш фаслдан таркиб топган: насл, назм, метод, танқид ва устоз адабиётшунослар ҳақидаги мақолалар. Китоб мустақилликнинг дастлабки ўн йилда ёзилган киссалар тадқиқи билан бошланган. Олим мазкур давр киссалари сон-санок ва ҳажм эътиборидан салмоқли эканини таъкидлаши баробарида, бадиий кашфиёт даражасидигилари кўп эмаслигига таъсусф билдиради. Мақола қиссачиликнинг оддий обзори эмас, унга хос адабий-эстетик қонуниятлар аниқлангани, миллий киссаларимиз янги кўзқараш асосида тадқиқ қилингани билан аҳамиятлидир. Муаллиф киссаларни аниқ тасниф асосида ўрганади: 1) модернизм намуналари сифатида тақдим этилган (бу борада олимнинг шахсий нуктаи назари бор); 2) диний-фалсафий, диний-тасавуфий, диний-мифологик унсурлар иштирок этган ҳамда 3) аънанавий киссалар. Модернизм намуналари сифатида тақдим этилган Назар Эшонкулнинг “Қора китоб”, “Тун панжаралари”, Шодикул Ҳамронинг “Қора кун” ва Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” асарлари тахлилий олимнинг назари тийрак ва

тафаккури теран эканини, бадиий насл қонуниятларини ич-ичидан билишини кўрсатади.

Насрдаги шаклий изланишлар ва уларнинг формалист олимлар томонидан баҳолаши, миллий насримиздаги янги тажрибалар, хусусан, ҳаёт ва ўлим ҳодисасининг рамзий тасвири дунё адиблари асарлари билан қиёсий тахлил этилгани (Хуршид Дўстмуҳаммад ва Дино Буццатти), Назар Эшонкулнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикояси ва олом адиби Ҳенрих Бёллинг “Менинг ғамгин юзим” ҳикоясининг Қудрат Дўстмуҳаммад таржимасига доир илмий қарашлар, мазкур уч ҳикоя координаталар текислигидаги асарлар сифатида баҳолашнинг Баҳодир Каримнинг муттасил изланаётган ва илмий тажрибалар қозонида қайнаётган адабиётшунослардан экани исботдир. Хайридин Султоннинг “Кўнгли озодадор...” қиссасини олим насрдаги назокат намунаси сифатида талқин этади. Ёзувчининг Ғуллом образи мисолидаги топилмаси, яъни унинг кўна адабиёт билан шугулланганидаги киши, бутун ўй-хаёли, вужуди билан “Зарбулмасал”га сингиб кетгани билан боғлиқ тасвирлар моҳияти очикланади. Адаш Карим қиссасини ҳам ёзувчи ижод лабораториясига кириб тахлил этади. Ижодкор насрда тақдор ва жуфт сўзларнинг санъат даражасидаги ифодасидан товушлар уйғунлигини таъминлагани ҳамда адабий тилга хос бўлмаган тил қатламлари персонажлар нутқини хусусийлаштиришда, қаҳрамоннинг индивидуал томонларини намоён этишда катта аҳамиятга эга эканига диққат қаратади. Адибнинг сўзини санъат даражасида кўлаб олиш ва эпик тасвир яратиш маҳорати ҳолис баҳоланади.

Фозил Зоҳид, Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўқтам, Қўтлибека, Ахтамқули ва Гулжамоил Асқарова шеърларига доир тахлилий фикрлари Баҳодир Каримнинг назмин инча ҳис этиб, теран тахлил этадиган шеършунос эканидан дарак берса, метод ва адабий танқид ҳақидаги қарашлари назарий мунаққид сифатидаги салоҳиятини кўрсатиши билан қимматлидир. Матёқуб Қўшжонов, Шариф Юсупов, Озод Шарофиддинов, Умарали Норматов, Норбой Худойбергенов, Бегали Қосимов ҳамда Баттиёр Назаров ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақидаги мақолалари ёш адабиётшунос ва мунаққидлар учун зарур хулосалар беришига кўра катта аҳамиятга эга.

У адабиётнинг назарий масалалари билан ҳам жиддий шугулланиб келади. “Адабиётшунослик методологияси” қўлланмаси бу жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Қўлланмада социологик ва биографик методлардан психологик ва формал методгача, структурал ва лингвистик методлардан герменевтик методгача асосчиси кимму қайси элдан эканигача, муайян методнинг генезисидан назарий қонуниятларигача, бадиий адабиёт ривожига таъсирдан тадрижий тақомилгача бўлган масалалар пухта ўрганилган. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигидан мисоллар келтирилиб, тахлил этилган.

Антология тузиш осонгина иш эмас. Бунинг устига, бу ишни бажарган одам чеккан заҳматлари эвазига, одатда, раҳмат ўрнига таъна эшитилади, эътироф ўрнига эътирозларни тинглашига тўғри келади. Қайсидир ижодкор антологияга кирмай қолган бўлса борми, тузувчи нақ балога қолади. Олим ўтмиш ва замонавий адабиёт антологияларини тузиш борасида ҳам самарали иш олиб борди. Унинг гоёси ва ташкилотчилигида тузилган “XX аср ўзбек шеърияти антологияси”, “XX аср ўзбек ҳикояси антологияси”, “XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги антологияси” ва “XX аср адабий танқиди антологияси” бугунги кунда илм ва ижод аҳлининг иш столи устида туриши, мунтазам мутолола этилиши зарур бўлган китоблардир.

УСТОЗЛИК МАҚОМИ

Олимнинг олимлиги фақат илмий-назарий тадқиқотларни чиқарган китоблари ва мақолалари билангина белгиленмайди. Ҳақиқий олимлар ёш авлод қалбини маърифат ёғдуси билан мунаваар этиш ва илмдаги йўлни давом эттирадиган муносиб издошлар — шогирдлар етиштиришига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Профессор Баҳодир Карим олим бўлиши баробарида университет муаллими ҳамдир. Унинг дарсларини талабалар катта қизиқиш билан тинглайди. Нотиклик маҳорати, сўзни таъкидлаб, ургулаб қўллаши маърузаларига ўзгача руҳ бағишлайди. Таълим қачон ривожланади? Қачонки илмдаги энг сўнгги ютуқлар дарс жараёнига олиб кириلسа. Баҳодир Карим илм қозонида қайнаётган олим сифатида адабий жараёнинг томир уришини яқши ҳис қилади. Унинг ривожланиш тенденцияларини ҳолис баҳолайди. Қайси йўналишда камчиликлар қузатилса, унга тўғри таъсис қўйиб, тақомилга етказиш йўриқларини бера олади. Шунинг учун иқтидорли талаба ёшлар унга шогирд тушишини истади. Бугунги кунда олим ўнлаб фан докторлари, фан номзодлари ва филология фанлари бўйича фалсафа докторлари етиштирган хурматга сазовор устоздир. Республиканинг қайси худудига бормасин, шогирдлари атрофда парвона. Унинг издошлари оилада ҳам борлиги, айниқса, қувонарли: икки қизи адабиётшунослик соҳасида филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Олим жаҳият ҳаётида ҳам фаол иштирок этади. “Маърифат улаши” лойиҳаси доирасида республикамизнинг турли худудларига — “халқ ичига қучоқ очиб боради” (Чўлпон таъбири — Н.Ж.). Ёзувчилар уюшмаси Адабий танқид кенгашида бирга фаолият юритади. Матбуот ва телевидение орқали ҳам муттасил маърифат тарқатади. Баҳодир Каримнинг фан ва таълим ривожига қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланган. “Халқ таълими аълочиси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” каби эътифолар бунинг далилларидир. Туркия, Япония, Германия, Хитой, Украина, Туркменистон ва Қозоғистонда ўтказилган халқаро анжуман ҳамда тадбирлардаги иштироки ҳамда “Махтумқули Фиройининг 300 йиллиги” медалли совриндори экани унинг халқаро миқёсда ҳам хурматга сазовор олимлардан эканини тасдиқлайди.

Унинг серкирра фаолиятини бир мақола доирасида тўлақонли ёритиш имконсиз. Илм олами учун айни камолот палласи ҳисобланган олтимиш ўшани қаршилаётган дўстим, катта олим Баҳодир Каримга — адабиётшунослигимиз баҳодирига узоқ ва баракали умр, янгидан-янги илмий зафарлар тилайман.

Нурбой ЖАБОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

ШАРҚ



АНҚАРАНИНГ ВОСИТАЧИЛИК РОЛИ...

АҚШ ва Эрон минтақадаги кескинликни юмшатиш учун келишув музокараларини ўтказишга тайёр эканликлари тўғрисида бир-бирларига маълум қилишди. Хабарларда Туркия, Миср ва Қатар шу ҳафта ичидида Анқарада Оқ уйнинг махсус вакили Уиткофф ва Эрон расмийлари ўртасида учрашув ташкил этиш устида ишлаётгани айтилади.

Анқара Эрон ва АҚШ ўртасидаги воситачилик ҳаракатини фаоллаштириб, минтақа барқарорлигига таҳдид сопаётган инқирозни бартараф этишга интилоқда. Бу фаоллашув шунчаки қўшчилик мажбурияти эмас, балки стратегик заруратдир. Туркиянинг минтақавий лидерлик мақоми ва халқаро майдондаги оёғуси учун ҳам катта синовдир.

Эрдоған Трамп билан телефон орқали суҳбатда кескинликни камайтириш мақсадида Эрон Ислмо Республикаси президенти иштирокида уч томонлама видеоконференция ўтказишни таклиф қилади.

Бу орада Оқ уй соҳибни Эрон Олий раҳбари Хоманайнинг “Эронга эҳтимоллий зарба минтақавий урушга олиб келиши мумкин” деган оғоҳлан-тиришига муносабат билдирди. Трамп Эрон қирғоқлари яқинида “дунёдаги энг катта ва кудратли кемалар” жойланганини айтиб, айни пайтда Техрон билан келишувга эришишдан умидворлигини маълум қилди.

Америка зарбаси хавфига қарамай, Техрон Вашингтон билан ядро дастури бўйича келишувга бормоқчи. Эрон ТИВ раҳбари Арақчи: “Тенг ҳуқуқлилик асосида ЭИРда ядро қуроли бўлмастлигини қафолатлайдиган адолатли келишувга эришиш имкониятини кўндал бот бермайлик. Бунга ҳатто қисқа вақт ичидида эришиш мумкин”, деб баёнот берди у.

Бунинг эвазига Техрон АҚШ санкциялари бекор қилиниши ва Эроннинг урнини тинч мақсадларда бойитиш ҳуқуқи ҳурмат қилинишини кутмоқда.

Минтақавий дипломатия доирасида Қатар бош вазири ал-Тани Теҳронда Миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Ларижоний билан музокара ўтказди. Эронлик сиёсатчи музокаралар ўтказиш бўйича ишлар илари силжиётганини таъкидлади. Шунингдек, Ларижоний Москвада Путин билан ёпиқ эшиклар ортида музокаралар ўтказгани ҳам ОАВга сиздирлиди.

Анқарадаги музокаралар натижасида АҚШ ва Эрон Ислмо Республикаси ўртасида вақтинчалик ўт очини тўхтайтиш ёки кескинликни пасайтириш келишув имзоланса, бу Эрдоған дипломатиясининг тарихий ғалабаси бўлади. Шунингдек, унинг АҚШ ва Европа билан алоқалари яқшиланади, иқтисодий инвестициялар оқими учун барқарор муҳит яратилади.

Келишувга эришилмаслиги ҳам мумкин, мулоқот каналининг очик қилиниши ўзи ҳам натижа. Томонлар бир-бирига тўғридан-тўғри зарба бермайди, лекин санкциялар ва сиёсий босимлар сақланиб қолади.

Воситачилик мақсади — “Минтақавий ечим учун минтақавий давлат” формуласини исботлаш. Анқара Ғарб давлатларига, айниқса, Трампга “бизсиз Яқин Шарқда бирор муаммони ҳал қила олмайсиз” деган сигнални бериш ҳам бор...

Аброр ХОН.

ХОРИЖ

РОССИЯ ЯНА ОММАВИЙ ЗАРБА БЕРДИ

Россия армияси 3 февраль, сешанбага ўтар кечаси Украинанинг бир қатор худудларига яна оммавий зарба берди. Бунинг натижасида портлашлар содир бўлди. Бу ҳақда Украина Куролли кучлари Ҳаво кучлари ҳамда Киев ва Харкив ҳокимиятлари маълум қилди. Россия зарбалари пайтида Киевда 20 даража совуқ, Харковда эса минус 22 бўлган.

Бироздан сўнг Киев вилояти харбий маъмурияти раҳбари ҳужум оқибатлари ҳақида эълон қилди. “Шу туманда 25 қаватли ва 5 қаватли уй шикастланган. Днипро туманида эса 5 қаватли турар жой биносига зарар етган, яна икки жойда “душман объектлари парчалари очик ҳудудда” топилган, — деб қўшимча қилди Ткаченко. — Бундан ташқари, Киевнинг Печерский туманида АЕҚШ (ёниги қуйиш шохбаси) биноси ва тўхтаб турган автомобиллар шикастланган, Шевченко туманида эса, дастлабки маълумотларга кўра, 22 қаватли турар-жой биноси зарар кўрган”, деди у.



ТРАМП ҲИНДИСТОННИ ЎЗИГА ОҒДИРДИ

АҚШ Президенти Дональд Трамп Ҳиндистон Россиядан нефть сотиб олишни тўхтайтишига ва АҚШдан кўпроқ нефть харид қилишига рози бўлганини маълум қилди. Бу ҳақда у кеча, Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан бўлиб ўтган музокаралардан сўнг тармоқларда ёзиб қолдириди.

Трамнинг сўзларига кўра, суҳбат давомидида томонлар савдо масалалари ва Россия — Украина урушини якунлаш мавзусини муҳокама қилган. Унинг айтишича, Моди Россиядан нефть харид қилишни тўхтайтиб, асосан, АҚШдан, эҳтимол, Венесуэладан ҳам нефть сотиб олишга рози бўлган. Трамп бу қадам Украинадаги урушни тугатишга ёрдам беради, деб ҳисоблайди.



145 НАФАР ЖАНГАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Покистон хавфсизлик кучлари Балуҷистон вилоятида харбий амалиёт ўтказиб, юздан ортиқ жангарини йўқ қилган. Бунга айирмачилар томонидан кетма-кет содир этилган портлашлар ва куролли ҳужумлар туртки берди. Қўпроқчилик ҳаракатлари қарийб 50 кишини ҳайбдан олиб кетган. Улар орасида 31 нафари тинч аҳоли вакили, энг ёмони, улар ичидида беш нафар аёл ҳам бор.

Ҳужумлар 31 январь кунни Балуҷистоннинг бир неча худудидида беравар бошланган. Бу учун жавобгарликни Балуҷистон Озодлик Армияси (BLA) ўз зиммасига олган. У Покистондан ажралиб чиқиб истагиди айирмачилик ҳаракати бўлиб, 2000-йиллардан буён терактлар ва куролли ҳужумлар уюштириб келади.

Балуҷистон вилояти бош вазири Сарфароз Бутти Кветта шаҳрида ўтказилган амалиёт юзасидан баёнот бериб, армия ва полиция ҳужумларга тезкор жавоб қайтарганини, натижада “BLA” аъзоларидан 145 нафари йўқ қилинганини таъкидлади.



Интернет хабарлари асосида Мухаммадсодик ТўРАЕВ тайёрлади.

САМАРА

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ИҚТИСОДИЁТ:

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР АВЛОДИНИ
ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Академик Қаландар АБДУРАҲМОНОВнинг АҚШда чоп этилган

“Сунъий интеллект даврида меҳнат иқтисодиёти” китоби дунё олимлари эътирофига сазовор бўлди

Ҳозирги кунда технология оламида ҳайратланарли инқилобий ўзгаришлар юз бермоқда. Бутун дунёда сунъий интеллект ва робот техникаси кенг қўлланила бошланиши натижасида иқтисодиётда ва кундалик турмушда катта бурилиш, янги технологик инқилоб арасида турибмиз. Бу масала рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёни амалга ошираётган Ўзбекистонда алоҳида долзарблик касб этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги “Меҳнат иқтисодиёти ва инсон капитали” илмий мактаби ҳамда Г.В.Плекханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида “Иқтисодиётда сунъий интеллект асослари” ўқув фани бўйича дарслик яратилиши бугунги давр талабларига мос кадрлар тайёрлаш вазифасини самарали амалга оширишга қаратилган муҳим қадам бўлди. Академик Қаландар Абдураҳмонов раҳбарлигида фаолият олиб бораётган иқтисодчи олимлар томонидан тайёрланган бу дарсликда сунъий интеллект ва робот техникасининг иқтисодиёт тармоқларига жорий қилиниши натижасида яратиладиган янги имкониятлар ҳамда юзага келадиган муаммо ва таҳдидлар муҳокама қилинган.

“Сунъий интеллект” ибораси қардан келиб чиққан? 1956 йилда АҚШдаги Дартмут университетида ўтказилган семинарда математик-олим профессор Жон Маккарти аниқ муаммоларни ҳал қилиш учун “сунъий интеллект”дан фойдаланиш усуллари тўғрисида маъруза қилган. Унинг фикрича, интеллект мақсадларга эришиш қобилиятининг ҳисоблаш компонентини назарда тутади. Инглиз тилидан таржима қилинганди “интеллект” сўзи ақлнинг ўзини эмас, балки “ақлли фикр юритиш қобилияти”ни англатади. “Интеллект” — бу шундай технология тизими, у ўзини ўзи ўқитиш жараёнида маълум бир муаммоларни ҳал қилиш учун дастурларни яратиш қобилиятига эга.

Академик Қаландар Абдураҳмонов сунъий интеллект асослари ҳақида биринчи марта 2024 йил 5-8 июнь кунлари Санкт-Петербургда бўлиб ўтган Иқтисодий форумдаги маърузада ўз фикрларини қатъий билдирган эди. Ўзбек олими қай эътиборда, IV-XIV асрларда — Фарба математик фанлар инқирозга учраган пайтда мусулмон Шарқда Жобир ибн Ҳайён, ас-Судий, ал-Фазорий, ал-Киндий, ал-Хоразмий, ал-Фароний, ар-Розий, ал-Форобий, ал-Беруний ва Умар Хайём каби машҳур математик олимлар бу фани нафақат сақлаб қолган, балки янада бойитган. Шу маънода, XX асрга келиб сунъий интеллектнинг асосини америкалик олим Жон Маккарти яратган эмас, балки бу соҳа ватандошимиз ал-Хоразмийнинг алгоритмлари асосида юзага келган.

Қаландар Абдураҳмонов аниқ фикрларини изчил давом эттириб, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган “Callaghan Publication” нашриёти томонидан 2025 йилда чоп этилган “Labor Economics in the Era of Artificial Intelligence” номли китобнинг алоҳида фаслида (71-91-бетлар) сунъий интеллект асосини, аслида, улуг аллома бобоимиз ал-Хоразмий алгоритмлари эканлигини илмий асосда исботлаб берди. Эндиликда ушбу китоб қарий 100 та мамлакатда ўқилмоқда ва ўрганилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Иқтисодиётда сунъий интеллект асослари” дарслиги сунъий интеллектнинг техник тафсилотлари ёки моҳияти тўғрисида тўлиқ маълумот беришни мақсад қилмаган. Дарслик, асосан, сунъий интеллектнинг жамият тараққийотининг турли соҳаларида кенг қўлланишнинг иқтисодий оқибатларига бағишланган. Муаллиф сунъий интеллект тушунчаси, пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари ва истиқболни ёритиб, унинг бизнес жараёнини оптималлаштириш ва ходимларнинг иш сифатини оширишда, давлат бошқаруви ва хизматларини кўрсатишда қўлланилиши иқтисодиёт учун қандай натижаларга олиб келишини батафсил баён этган.

Дарсликнинг чоп этилишидан кўзланган асосий мақсад — бу сунъий интеллектнинг иқтисодиётдаги ўрнини тушунишга ёрдам бериш, ундан фойдаланиш асослари бўйича талабалар билимларини ривожлантириш, глобал ва миллий иқтисодиётда юзага келиши кутилаётган янги шaroитларда тўри қарорлар қабул қилишга “сунъий интеллект” ёрдамида кўмаклашишдан иборат.

Дарслик 8 та мавзунини ўз ичига олган бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, муаллифлар “Сунъий интеллект тизими: умумий тушунчалар, ривожланиши”, “Сунъий интеллектда машинали ўқитиш”, “Сунъий интеллектда чуқур ўқитиш”, “Роботларнинг сунъий интеллект тизимидаги ўрни”, “Сунъий интеллектнинг иқтисодиётда тугган ўрни”, “Инсон капитали ва сунъий интеллект”, “Сунъий интеллект технологияларининг ижтимоий-меҳнат муносабатларига таъсири”, “Иқтисодиёт соҳаларида сунъий интеллектдан фойдаланиш” каби мавзуларда амалга оширилган ил-



мий изланишлар натижаларини батафсил ёритишган.

Дарслик сунъий интеллект билан боғлиқ бир қатор муаммоларга амалий жавоб топишга ёрдам беради. Ундан бугун мавжуд касблар келажақда бўладими ёки улар йўқ бўлиб, ўрнида бошқалари пайдо бўладими, келажақда ишга жойлашиш ва муносиб ҳаёт кечириш учун қандай малакаларни эгаллаш керак, сунъий интеллект ва робот техникасига асосланган иқтисодиёт шaroитида яшашлари учун ёшларга қандай таълим ва тарбия бериш керак, Янги Ўзбекистонда сунъий интеллект ва роботлаштиришнинг ривожланиши қандай истиқболга эга, деган кўпчилиги ўйланганди саволларга жавоб топиш мумкин.

Дарслик юқори савияда, тушунарли ва раво тилда ёзилган. Маълумотларни тақдим этишда маъновий гализлик, ноаниқлик ва ортика мураккабликка йўл қўйилмаган. Ҳар бир мавзунини ёритишда фанга тегишли тушунча ва таърифлар, атама ва иборалардан лозим даражада фойдаланилган. Муаллифлар томонидан сунъий интеллект ривожланишини таҳлил этишда жаҳон иқтисодиёти ва миллий иқтисодиётга хос бўлган замонавий тенденциялар ҳисобга олинган.

Мазкур дарслик кенг қамровлиги ва оммабоплиги билан иқтисодий фанлар соҳасидаги “янги авлод дарсликлари” жумласига кирди ва, шубҳасиз, сунъий интеллект ва робот техникасининг иқтисодиёт соҳаларига жорий қилиниши оқибатлари тўғрисида фундаментал билимларни ўзлаштиришга хизмат қилади. У нафақат бўлажақ иқтисодчилар ҳамда сунъий интеллект ва робот техникаси соҳасида фаолият олиб бораётган илмий ва амалиётчи ходимлар, балки бошқа турли соҳа вакиллари, жумладан, ҳуқуқшунослар, умуман, кенг жамоатчилик учун ҳам фойдали манба сифатида тавсия этилиши мумкин.

Бу ўринда замонавий меҳнат иқтисодиёти сунъий интеллект (СИ) ва рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши натижасида туб ўзгаришларни бошдан кечираётганига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бундай шaroитда глобал ҳамкорлик шунчаки исалган ташаббус эмас, балки барқарор ривожланишнинг фундаментал шартига айланмоқда.

Рақамлаштириш стратегиясини фаол амалга ошириб, Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига сунъий интеллектни жорий этиш бўйича халқаро сый-ҳаракатларда муҳим роль ўйнамоқда. Сўнгги йилларда мамлакатда рақамли трансформациянинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш, миллий тадқиқот ташаббусларини ривожлантириш ва сунъий интеллект соҳасидаги таълим дастурларини кенгайтириш бўйича сезиларли ютуқларга эришилди.

Сунъий интеллект ва илгор технологиялар соҳасида дунёда етакчи бўлган Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик халқаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар таълим ташаббуслари, илмий тадқиқотлар ва тадбиркорлик экотизимини қўллаб-қувватлаш каби кенг қўламли соҳаларни қамраб олади. 2023 йилда қабул қилинган “АҚШнинг сунъий интеллект соҳасидаги тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича миллий стратегик режаси”да инвестицияларнинг устувор йўналишлари белгиланиб, халқаро ҳамкорлик, жумладан, Ўзбекистон билан шерикликнинг муҳимлиги таъкидланган.

АҚШ Ўзбекистондаги таълим ислохотларини, аниқса, университетларда рақамли технологияларни ривожлантириш ва ўқув жараёнига сунъий интеллектни жорий этишни фаол қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, 2024 йил октябр ойида Тошкентда турли мамлакатлардан 200 дан ортиқ делегатни бирлаштирган ва олий таълимни рақамлаштириш масалаларига эътибор қаратган Марказий Осиё университетлари форуми бўлиб ўтди. Ушбу воқеа Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантиришда халқаро тажрибани жорий этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон ва АҚШ илгор технологиялар


машинуви, автоматлаштириш шaroитида меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўшма дастурларни ишлаб чиқиш ва меҳнатни тартибга солишнинг халқаро стандартларини интеграциялаш орқали сунъий интеллект соҳасида давлат даражасида ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳати сунъий интеллектни жорий этиш жараёнида ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдир. Ушбу мавзу халқаро майдонларда, жумладан, СИ Бош Ассамблеясида фаол муҳокама қилинмоқда, у ерда СИни ривожлантиришда инсонга йўналтирилган ёндашув зарурлигини таъкидловчи резолюция қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича стратегияни шакллантириш, жумладан, Миллий сунъий интеллект марказини ташкил этиш ва уни миллий иқтисодиётга интеграция қилиш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш ишлари давом этмоқда. Бироқ мамлакат ҳали ҳам иш ўринларини мослаштириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва рақамли иқтисодиёт имкониятларидан тенг фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Ушбу жараёнларда АҚШ каби давлатлар билан халқаро ҳамкорлик илгор билимларни жорий этиш, инвестицияларни жалб қилиш ва барқарор рақамли экотизимни ривожлантириш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иқтисод фанлари доктори Қаландар Абдураҳмонов томонидан тайёрланган “Сунъий интеллект даврида меҳнат иқтисодиёти” дарслиги АҚШ олимлари томонидан топ олинди, нашр этилиши Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги таълим ва илмий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Глобаллашув ва жадал технология тарқиёти даврида бундай нашрлар мамлакатлар ўртасида билим ва тажриба алмашишга ҳисса қўшади, аниқса, рақамли иқтисодиётда самарали ишлайдиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда катта аҳамият касб этади.

Академик Қ.Абдураҳмонов меҳнат иқтисодиёти соҳасидаги йирик олимлардан биридир. Унинг тадқиқотлари глобаллашув ва рақамлаштириш шaroитида меҳнат бозорининг ўзгариши билан боғлиқ кенг қўламли масалаларни қамраб олади. Таниқли ўзбек олими 1997 йилда халқаро илмий ҳамкорликни чуқурлаштириш доирасида дунёнинг етакчи академик марказларидан бири — Ҳарвард университетиди (Бостон, Массачусетс, АҚШ) уч ойлик илмий стажировка ўтади.

Амалиёт даврида Қ.Абдураҳмонов таниқли иқтисодчи, Ҳарвард университетининг Роберт У.Скривенер номидаги иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсат кафедраси профессори Жорж Ж.Борхас билан учрашди. Унинг “McGraw-Hill Irwin” нашриёти томонидан чоп этилган “Labor Economics” фундаментал асари меҳнат бозорини ўрганиш соҳасида жаҳон стандарти сифатида тан олинган. Уларнинг мунозаралари



ўқув материалларини тузиш методологияси, меҳнат иқтисодиёти бўйича дарсликларнинг тузилиши ва уларни Марказий Осиё иқтисодий воқелигига мослаштириш масалаларига бағишланди.

Академик Абдураҳмонов бу соҳадаги тадқиқотларини давом эттириб, Нью-Йорк университетида амалиёт ўтади ва у ерда таниқли иқтисодчи олимлар — профессорлар Роналд Г.Эренберг ва Роберт С.Смит билан маслаҳатлашувлар олиб борди. Ушбу олимлар соҳадаги етакчи тадқиқотлардан бири сифатида кенг тан олинган “Modern Labor Economics” (“Тearсон” нашриёти) дарслигининг ҳаммуаллифларидир. Уларнинг илмий мунозаралари бандлик

динамикаси, меҳнат бозоридидаги таркибий ўзгаришлар, модернизация ва рақамли ўзгаришлар шaroитида ишчи кучининг ижтимоий-иқтисодий мослашувини қамраб олади.

Иқтисодиёт фанига қўшган салмоқли ҳиссаси, назарий ва амалий тадқиқотлардаги улкан ютуқлари учун академик Қ.Абдураҳмонов нуфузли Нью-Йорк Фанлар академиясининг аъзолигига сазовор бўлди. Бу унвон 1999 йил апрел ойида директорлар кенгаши раиси Элеанор Баум ва Академия президенти Родни В.Николс томонидан имзоланган диплом билан расман тасдиқланди. Ушбу эътироф унинг халқаро қўламадаги академик фаолиятида муҳим босқич бўлиб, жаҳон иқтисодиёт тафаккури ривожига қўшган ҳиссасининг ўзига хос ифодаси бўлди.

Академик Қ.Абдураҳмонов ўзининг бой илмий тажрибаси ва халқаро ҳамкорликка таяниб, 2020 йилда Лондонда “Scientific Publishing House IVG” академик нашриёти томонидан чоп этилган “Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт” фундаментал асарини нашр этди. Юқори илмий қиймати туфайли дарслик кенг эътирофга сазовор бўлди ва бир неча тилга — рус, ўзбек, индонез, қозоқ, қорақалпоқ, тожик ва қирғиз тилларига таржима қилинди. Бу нашр меҳнат илмининг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди ва Марказий Осиёда ҳамда ушбу минтақадан ташқаридаги тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва талабалар орасида эътироф этилди.

Буларнинг барчаси академик Қ.Абдураҳмоновнинг илмий фаолияти меҳнат иқтисодиёти ривожлантириш, барқарор ривожланиш стратегияларини шакллантириш ва таълим дастурларини рақамли давр муаммоларига мослаштиришда сезиларли таъсир кўрсатаётганининг аққол далилидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон мактаб битирувчилари орасида Америка Қўшма Штатларида олий маълумот олиш тенденцияси ортиб бормоқда. Бу Америка таълимнинг юқори сифати ва академик тадқиқотлар учун кенг имкониятлари билан боғлиқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва АҚШ таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, улар қўшма дастурлар, талабалар ва ўқитувчилар алмашувини, шунингдек, ҳамкорликдаги илмий лойиҳаларда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Америка университетларининг бир неча филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда. Хусусан, Тошкентда Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш маркази мавжуд бўлиб, у талабаларга халқаро миқёсда тан олинган академик дастурлардан фойдаланиш имконини беради.

Бу ерда 2024 йилда Америка технология университети ҳам ўз фаолиятини бошлади ва АҚШнинг мамлакатдаги иккинчи олий таълим муассасасига айланди. Ушбу муассасалар ўзбекистонлик талабаларга ўз ватанидан ташқарига чиқмаган ҳолда халқаро даражадаги сифатли таълим олиш имкониятини беради.

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам ижобий ўсишни кўрсатмоқда. Аниқ чоғда Ўзбекистон Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг биринчи ярмида мамлакат ташқи савдо айланмаси 29,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, бу 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 19,4 фоизга кўпдир. Ушбу кўрсаткич 2024 йилда 36,8 миллиард долларгача ўсиб, олдинги йилга нисбатан 5,3 фоизга ошди.

Икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашдан ташқари, “Сунъий интеллект даврида меҳнат иқтисодиёти” дарслиги Қўшма Штатларда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар, аспирантлар ва тадқиқотчилар учун касбий муҳитни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Меҳнат иқтисодиётининг рақамли трансформацияси шaroитида ушбу дарслик ёш мутахассисларга сунъий интеллектнинг меҳнат бозорига таъсири, бандликнинг янги шакллари ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини тушуниш учун ноёб таҳлилий воситаларни тақдим этади.

Мазкур китоб Америка университетларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Чунки унда Марказий Осиёдаги меҳнат иқтисодиётининг минтақавий хусусиятлари ҳисобга олинган ва халқаро тажрибани Ўзбекистон иқтисодий воқелигига мослаштиришда аниқ илмий ёндашув тақдим этилган.

Аспирантлар ва тадқиқотчилар учун дарслик сунъий интеллект даврида меҳнат иқтисодиёти, рақамлаштириш, инсон капитали ва бандликни тартибга солиш соҳаларига академик тадқиқотлар олиб бориш учун услубий асос бўлади. У таълим бозоридидаги таркибий ўзгаришларни таҳлил қилиш, технология ишлашнинг хавфли баҳолаш ва таълим тизимини рақамли давр муаммоларига мослаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Меҳнат бозорини тартибга солишинг халқаро амалиёти ва сунъий интеллект соҳа-

сидаги етакчи мамлакатларнинг мослашиш стратегиялари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган дарслик меҳнат иқтисодиёти сиёсатини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи сиёсатчилар ва стратеглар учун бевосита муҳим қўламага айланиши тайин.

Янада муҳими, академик Қаландар Абдураҳмонов томонидан ёзилган “Сунъий интеллект даврида меҳнат иқтисодиёти” дарслиги рақамлаштириш ва сунъий интеллект интеграцияси шaroитида меҳнат бозори трансформациясининг ҳар томонлама таҳлилини ўз ичига олган.

Китобда сунъий интеллект даврида меҳнат бозори тузилмасидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф иқтисодий жараёнларни автоматлаштириш ва алгоритмлаштириш аъёнаниши иш ўринларини қисқартириши, шу билан бирга янги касблар ва фаолият йўналишларининг пайдо бўлишини рақамлаштиришини батафсил таҳлил қилган.

Технологик инқилоб инсон ресурсларини бошқаришда эскирган ёндашувларни қайта кўриб чиқишни, таълимнинг янги моделларини ишлаб чиқишни ва иш билан бандликнинг мослашувчан шакллари жорий этишни талаб қилмоқда. Шу жиҳатдан, дарслик ўқувчиларга рақамли иқтисодиётда қайси компетенциялар муҳим аҳамият касб этишини ва касбий кўникмаларга қўйилмаган талаблар қандай ўзгараётганини тушунишга ёрдам беради.

Сунъий интеллектнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларига таъсирига катта эътибор қаратилган. Муаллиф иш билан бандликнинг замонавий моделлари — “gi-igtisodiyot”, масофавий иш, рақамли платформалар ва фриланс, шунингдек, мослашувчан ва настандарт меҳнат шартномалари даврида ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларини таҳлил қилади. Шуниси муҳими, дарсликда нафақат мавжуд муаммолар аниқланган, балки уларни ҳал қилиш йўллари ҳам тақлиф этилган, маҳсулот бозорини халқаро тартибга солиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларни ҳимоя қилиш зарурлиги таъкидланган.

Китобда сунъий интеллектнинг таълим ва касбий тайёрликка таъсири ҳам батафсил кўриб чиқилган. Узлуksиз таълим концепцияси, индивидуал таълим траекториялари ва таълим жараёнида СИ технологияларини қўллашнинг аҳамияти ўқитилган. Муаллиф таълим муассасаларини янги муаммоларга мослаштириш стратегияларини, жумладан, ўқув дастурларини модернизация қилиш, рақамли кўникмаларни ривожлантириш ва сунъий интеллектни ўқитиш методологиясига интеграциялаш тақлиф этади.

Ушбу дарсликнинг яна бир ўзига хос хусусияти — фанлараро ёндашув бўлиб, у иқтисодий назария, меҳнат бозори тенденциялари таҳлили, социологик тадқиқотлар ва меҳнатни тартибга солишнинг халқаро амалиётини бирлаштиради. Асосий мавзулар орасида ходимларни рабатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларининг ўзгариши ва рақамли даврда меҳнат стандартларига янги ёндашувлар бор. СИ технологиялари инсон ресурсларини бошқаришни, ишчи кучига бўлган эътиҳонни башорат қилишни ва меҳнат умумдорлигини баҳолашни қандай яхшилаш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Дарслик турли мамлакатлар мисолида таҳлилий тадқиқотларни ўз ичига олади. Унда меҳнат иқтисодиётига СИни жорий этиш бўйича муваффақиятли халқаро амалиётлар кўриб чиқилиб, ўз меҳнат бозорларини янги воқеликларга самарали мослаштиришга ёндашувлар тажрибаси таҳлил қилинган. Бу эса дарсликнинг нафақат талабалар ва ўқитувчилар, балки иш билан бандлик тизимида фаолият юритаётган ходимларни бошқариш ва иқтисодиётни рақамли ўзгаришри масалалари билан шуғулланувчи сиёсатчилар, иқтисодчилар ва раҳбарлар учун ҳам қимматини янада оширган.

Дарсликда меҳнат бозорини тартибга солишнинг келажаги атрофлича ўрганилган. Рақамли иқтисодиётга адолатли ўтишни таъминлашга қаратилган глобал ташаббуслар, ижтимоий адолат, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат бозори инклюзивлиги масалалари кўриб чиқилган. Рақамли тенгсизлик муаммоси ва унинг сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш билан боғлиқ энг долзарб таҳдидлардан бири бўлган иш ўринларининг мавжудлигига таъсирига алоҳида эътибор қаратилган.

Шундай қилиб, ушбу дарслик нафақат жорий ўзгаришларнинг таҳлили, балки меҳнат тизимларини янги воқеликка мослаштириш бўйича стратегик қўлама ҳамдир.

Ушбу нашр сунъий интеллект даврида меҳнатни ташкил этиш бўйича нафақат ўқитиш ва ўргатиш, балки аниқ соҳада янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, таълим тизимини мослаштириш ва инсон ресурсларини бошқаришнинг инновацион стратегияларини яратишга илҳомлантириш учун мўлжалланган.

Ақмал САИДОВ,
академик.

✓ ТҶҲАТ ҶРНИДА

БАДИИЙ НАСР УСТАСИ

Муродбой Низановнинг ҳикояларини қорақалпоқ тилини ўрганганимдан буён таржима қилиб келаман. Ростини айтсам, бу борада мен илк кашшоф эмасман. Ҳали мактабда ўқиб юрганамдаёқ устозлар Носир Фозилов, Меҳмонкул Исломулов Муродбой Низановнинг ҳикояларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилиб, “Табассум” радиожурнали орқали янграбди, тингловчиларни ром айлагани бор гап. Айниқса, оғанинг “Танка” номли бадий фильми ниҳоятда машҳур. Ёзувчининг “Жаҳон адабиёти” журналида нашр этилган “Ақчагул” номли қиссаси Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг сеvimли шоири Абдулла Орипов томонидан юксак баҳолалиб, адабий ҳаётда роса шов-шув бўлган.



Қорақалпоғистонга иждодий сафарларимиздан бирида Қорақалпоғистон халқ шоири Музаффар Аҳмад Муродбой оға ҳақида бир муъжаз ҳикоя ёзиб, самолётда ҳаммамизни қулдиргани ҳамон эсимдан чиқмайди. Ҳазил оҳангида ёзилган бу беғубор ҳикоянинг замирида теран мазмун, ҳаммага равшан ҳақиқат бор. Музаффар Аҳмад ҳикоя қилишича, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, устоз Носир Фозилов ўша пайтда “Жаҳон адабиёти” журналида бош муҳарир ўринбосари бўлиб ишлаётган Мирпўлат Мирзога кўнгирак қилиб:

— Мирпўлат, журналда нимани босаясан? — деб сўрабди.

— Пауло Козлонинг романини тайёрлап-миз, — деб жавоб берибди Мирпўлат ака.

— Пауло Козлонинг кўйи! Уша Козлондан ҳам, Маркесингдан ҳам ўзимизнинг Муродбой Низанов зўр. У янги роман ёзган, журналнинг мана шу сонидан ўша романини босасан! Тушундингми? — деб буюрибди Носир оға.

— Ҳўп!

— Хуллас, Муродбой Низановни Нобель

лан ушбу ҳикояни ўқиб, шивир-шивир қилаётганимизни эшитиб қолган устоз Абдулла Орипов олдинги ўринидан орқасига қайрилиб:

— Нимани бунча қизгин муҳокама қил-сан икковинг? — деб қолди.

— Муродбой Низановни Нобель мукофоти-га тавсия қилишни! — дедим.

— Ким айтди?

— Носир Фозилов...

— Носир ака тўппа-тўғри айтибди! — деди Абдулла ака. — Муродбой Низанов шу мукофотга арзийди!..

Нукусдаги тадбирларимиз жуда мазмунли ўтди...

Муродбой оға Носир Фозилов орзу қилган романларни ҳам ёзди. “Охират уйқуси”, “Душман” номли катта-катта романларни истеъдодли ёзувчи Гафур Шермуҳаммад қорақалпоқчадан ўзбек тилига таржима қилди. Қалин муқовали китоблар Тошкентдаги нашриётларда чоп этилиб, ўқувчилар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди.

Гапнинг дангали, Муродбой Низанов Носир Фозилов ният қилганидек, бадий адабиёт соҳасида халқаро Нобель мукофоти-га муносиб ёзувчи.

Муродбой оға фаол иждодкор. Таҳририятга телефон қиларди-да:

— Бир ҳикоя ёздим, таржима қилиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп этасанми? — дерди.

Дарров хўп дея рози бўлардим. Ҳикояси жуда қизик бўлишини билардим.

Ҳар янги йил арафасида, албатта, бир ҳажвия юборишни қанда қилмасди. Ўқиб кула-кула, ичакларим узилгудек бўларди. Таржима қилиб, бош муҳаррирга берсам, бир-даннига саҳифага жойлаштиради.

“Қорбобонинг кампири”, “Қалқай билан Балдай”, “Мадрайим айтган”, “Кўнглимда ғубор қолмади”, “Осмонтойда бир кун”, “Ёдимга тушди”, “Кўр ичак”, “Костюм” каби ҳикоялар ана шу тарзда газетга чиқиб кетган.

Муродбой Низановнинг “Ҳаво кемасидаги икковлон” номли қиссасини ҳам таржима қилганман. Асар “Ёшлик” журналида чоп этилган. Ушбу қисса Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан нашр этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” номли юз жиллик муҳташам китоблар мажмуасининг “Қорақалпоқ замонавий насри” деб аталган 38-жилдига киритилган.

Муродбой оға характер яратиш устаси: у содда, кўнгли очик овул одамларининг феъл-атвориани маҳорат билан тасвирлайди. Ёзувчи асарларининг тили ҳик-матга, теран маъноларга, ҳазил-мутойибага бой. Кулги, юмор, ҳажвийёт жаҳоннинг барча халқларига бирдек тушунарли.

Болаларнинг сеvimли шоири Ўта Бердиёрнинг “Шаҳардан хат” номли шеърда кулгининг тили ва миллати йўқ экани ажойиб тасвирланган.

**Тоғамлар турган уйда
Қирқ оила яшаркан.
Барчаси аҳил, иноқ,
Тинч ошини ошаркан.**

**Кўшилари рус, тожик...
Кунора келишаркан.
Улар русча сўзлашиб,
Ўзбекча қулишаркан!**

Шу маънода Муродбой Низановнинг асарлари қайси хорижий тилга таржима қилинмасин, ҳамма жойда қадрли, қизиқарли ва тушунарли бўлади.

Муродбой Низановнинг кулгиси нафақат одамларни қувонтириш учун хизмат қилади, балки ўқувчиларни таъсирлантиради, ўйла-нишга, фикрлашга ундайди, ҳаётга теран ва холис назар билан боқишга ҳамда хулоса чиқаришга дэвват этади.

Муродбой оғага бағишлаб бир шеър ёз-гандим. Сўзимни шу шеър билан яқунлай-ман. Оғага узоқ умр, сихат-саломатлик ва иждодий ютуқлар тилайман.

МУРОДБОЙ ОҒАГА

Қалом билан яшайсиз, ажойибсиз,
Гонорарнинг ойлигига, Муродбой.
Ўткир қаламнинг сиз билан соҳибсиз
Прозанинг бийлигига, Муродбой.

Абдулла Ориф айтган — муносибсиз
Сиз Нобелнинг сийлигига, Муродбой.
Нодир асарларинингизни сотмайман
Етти иқлим бойлигига, Муродбой.

Оддий халқнинг арз-додисиз, Муродбой,
Сиз Бердақнинг зурёдисиз, Муродбой.
Қаҳрамонларингиз содда, оқкўнги,
Қорақалпоқ муродисиз, Муродбой.

От чоптириб элга чиққан донгингиз,
Доим олға босар машҳур “Танк”ингиз.
Сиз нашр этган китоблар —


асил бойлик —
Пулга тўлиб кетган Сизнинг банкингиз.

Бир ён Чимбой, бир ёнингиз Кегайли,
Йигитлари Мажнун, қизлари Лайли.
Дунё севиб қолар қорақалпоқни
Низановнинг асарлари туфайли.

Туркий эллар Сизга қондош, оға-ини,
Устоз деб билдингиз Носир оғани.
Омон бўлинг адабиёт бахтига,
Узоқ яшанг, эй Муродбой оғайни!

Рустам МУСУРМОИ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
Қорақалпоғистон халқ шоири.

✓ ВОҚЕИЙ



БИР ПАРЧА ЕР

Абдусалом билан Холиқ ака-ука. Ота-онаси уларни уйлантириб, иккаласига алоҳида уй-жой қилиб беришган. Холиқнинг уйи шундоққина йўлнинг у томонида.

Бир куни у акасиникига келди. Абдусалом уни сўрига ўтқизди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Холиқ секин гап бошлади:

— Ака, ҳовлимиз сал торроқ. Қишки оғилхонамиздан чакка ўтавериб, қулаш ҳолатига келиб қолган. Шунинг учун ёзги оғилхонани вақтинча сизнинг томорқанингизнинг бошига қурсам. Қишки оғилхонамни бузиб, унгача янги гисини қуриб олардим.

— Қанча ер керак бўлса, фойдаланавер, — деди Абдусалом. — Нима, биз бир-биримизга бегонамизми? Қачон ер керак бўлса, ўзим айтман.

Ука ақанинг гапидан хурсанд бўлиб, дарҳол ишга киришди. Ўғилларини ёнига олиб, акасининг томорқаси бошидан ёзги оғилхона қуришни бошлади. Ҳаш-паш дегунча у ҳам битди.

Аммо бу ишлар Абдусаломнинг хотини Манзурага ёқмади.

— Шу ишни бекор қилибсиз, дедаси. Эртга ерингизни бермайман, деб туриб олса, нима қиласиз? Чунки уқанингизнинг кўзи оч. Ундан ҳеч қачон яхшилик чиқишига кўзим етмайди.

— Кўйсанг-чи, хотин, қаёқдаги гапларни! Ахир у бизга бегона эмас-ку, जिғарим.

— Уқанингизнинг феълини ҳалигача билмас экансиз. Ишқилиб, охири яхшилик билан тугасин-да, — дея ўйла-ниб қолди Манзура.

Орадан йиллар ўтди. Абдусалом икки ўғлини уйлантирди. Энди улардан бирини бошқа ерга уй-жой қилиб чиқаришга тўғри келди. Чунки учинчи ўғлини ҳам уйлантириши керак. Шунинг учун уқанингизга борди. Гапни узоқдан бошлади-да, секин мударога ўтди.

— Холиқ, қишки оғилхонанг битганига ҳам анча бўлди. Энди ёзги оғилхонани бузиб ташлай қол. Мен у ерга Абдувоҳидга уй солиб бермоқчиман.

Бу гапларни эшитиб турган уқанинг хотини Башорат шанғиллай кетди:

— Нимага бузарканимиз? Сизнинг ерингиз кўп. Хоҳлаган жойингизга уй солаверинг. У оғилхонанинг жойи бизники!

— Ҳай-хай, келин, мен укам билан гаплашяпман. Илтимос, сиз аралашманг!

— Ака, бир парча ерни деб мен билан жанжаллашгани келдингизми? Ана, уйни хоҳлаган томонингиздан солавермайсизми? Бир парча ерга зормисиз?

— Ие, ука, бу нима деганинг? Ахир учинчи ўғлимни ҳам уйлантираман, шуни уйлаясанми? Бир пайтлар бундай келишмагандик-ку!

— Ака, нима десангиз деяверинг. Сизнинг жойингизни улнатганда ҳам ўша ер ортиқча чиқади. Ундан кўра инданманг, менинг молларим яйраб ётаверсин.

— Бировнинг ҳақидан кўрқмайсанми?

— Мен бировнинг ҳақига кўз олайтирганим йўқ. Бор-йўғи бир парча ерни сўраб олганман, холос.

— Ҳайф сенга, — деди-ю, Абдусалом чиқиб кетди. Йўл-йўлакай укасини роса койиди.

Хотини эрининг авзойини кўриб, кўриб кетди.

— Нима бўлди, уқанинг билан уришдингизми?

— Йўқ, ундан баттари бўлди. Ўша пайтда сенинг гапингга кирсам бўларкан. У ичимдаги чаён экан. Ерни бермайман, деяпти.

— Вой ўлмасам, нимага? Ахир у ер билан нима қилди? Қанақа ноинсоф одамлар бор-а!

— Энди нима қиламиз?

— Бу ишни шундоққигача қолди-ролмаймиз. Мен ҳозирок маҳаллага бораман. Индамай ўтирадиган аҳмоқ йўқ, — дея Манзура шошилганча уйдан чиқиб кетди.

Абдусалом эса ўйга толди. Шундан сўнг анча вақтгача ака-ука бир-бирини кўрарга кўзи, отарга ўқи бўлмай юришди. Хотинлари худди жўжау-

роздек бир-бири билан жанжаллашгани-жанжаллашган эди. Маҳалла ҳам аралашиб, бу ишни ҳал қилиб беролмади. Охири “Судага бера қолинглар”, дея осонгина қутулишди. Манзура шундай қилмоқчи эди, аммо эри унамади.

— Эл-нортнинг олдида нима деган одам бўламан? Керак эмас! Укам бир куни инсофга кириб қолар. Хотин, овсининг билан бошқа жанжаллашганини эшитмай!

Манзура ер чизиб, индамай қолди. Чунки у ҳам кўни-қўшилардан шу иши учун уялаётган эди. Шундан сўнг ака-ука юз кўрмас бўлиб кетишди. Бу ҳолат нақ беш йилгача давом этди.

Бир куни бозордан қайтаётган Абдусалом ёзги оғилхонани бузаётган уқасига кўзи тушиб, хайрон бўлди. Олдига бориб, саволга тутди:

— Тинчликми, бирон нима кўрмоқчимисан?

— Ака, кечиринг, бировнинг ҳақи ёмон бўлар экан. Мен ёшлик қилдим. Кеч бўлса-да, хатоимни англадим. Ер ўзингизга буюрсин, энди у менга керак эмас.

Абдусалом уқасидаги бу ўзгаришни кўриб, лол қолди. Чунки қанча одамлар бу ҳақда унга насихат қилганида қулоқ солмаганди.

Уйига кирди-да, қўлидаги елим халталарни ошхонага қўяркан, уқасининг ўзгарганига ҳамон ишонолмасди. Шу пайт жўраси Ҳайдар келиб қолди. Иккаласи анча сўхбатлашди. Кетар чоғи Ҳайдар бир гапни айтиб қолди:

— Кеча жумада намозга чиқмадингиз. Жуда ажойиб гаплар бўлди-да. Ҳойнаҳой, бу гапларни эшитганлар бировнинг ҳақига хиёнат қилмас керак. Чунки нариги дунёда бировнинг ҳақини еганларни мункар-накир фаришталари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқлар билан жазоларкан.

Шундан сўнггина Абдусалом уқасининг қандай инсофга келганини тушуниб етди.

Хонбиби ҲИММАТ қиз,
журналист.

✓ ҲИКОЯ

Йўлка бўйлаб ҳаёл суриб кетаётиб, елкасига урилган бир нимадан сесканиб тушдим. Ўгирилиб қарасам — қор тўпи. Сал нарида эса бир нечта йигит-қиз қорбўрон уйнашаётган экан.

Улардан бири мен томон қадам ташлаб:

— Узр, опа, адашиб отиб юборибман, — деди.

— Ҳечқиси йўқ, — деб пичирлагандек бўлдим-да, бу ердан тезроқ узоқлашишга шовилдим. “Мана, энди опа ҳам бўлдинг”, дердим ўзимга ўзим. Илгари фақат “синглим”, “яхши қиз”, дейишарди, бугун ўзим тенги йигитлар учун опа ҳам бўлдим. Ёки шунчалик... у ёғини ўйлашга истиҳола қилдим. “қариманми?” дейишга ҳатто ўзимдан уялдим.

Тўғри, мен тенгиларнинг биринчи фарзанди мактабга чиқай деб қолган. Курсдошларимга байрамларда даврани безайдиган мендек дугоналарининг тўйига бориш насиб этмади. “Хўш, ким айбдор?” деб ўзимга савол бераман. Ахир ўзинг-ку, тентак, ўзинг барига яқун ясадинг-ку!

Ҳаммаси кечагидек ёдимда. Бугунгидек қор ёққан, кўча болаларнинг қий-чуви, ёшларнинг қорбўрон уйинига тўлган бир кун эди. Ушанда биз курсдошлар ҳам нимадир бўлиб, қорбўрон уйнашга факультетдан ташқарига чиқдик. Аслида, бу ўйини жиним суймасди, нима зарил музлаб, қорга кўмилиб? Тўнгилаб, ишим кўплигини баҳона қилиб кетвормоқчи бўлиб тургандим ҳамки, елкамга биринчи қор тўпи урилди. Қизарганча қарасам, курсдошим Бекзод. Турибди тиржайиб, гўё бир нимадан хижолатдай...

Жаҳлим чиқди. Нега айнан менга отади, шунча қиз туриб? Кўлимда каттагина тўп ясадим-да, юзига қараб отдим. Қаёқда, чап бериб қолди. Алашим келиб отавердим, отавердим. Тегмади. Ахирий тўнимни тескари кийиб, улардан узоқлашдим. Ортимдан дарров етиб келди.

— Хафа бўлдингизми, Дилноза?

— Йўқ, хурсандман! — дедим аччиб.

Гапимнинг оҳангидан у яраётган ерида тўхтаб қолди. Мен эса “ажаб қилдим” дедим-да, автобусимга чиқдим. Автобус ойнасидан унга кўзим тушди: ўша ерда мунгайганча, мендан кўзини узмай тикилиб турибди. Юрагим алланечук бўлиб кетди.

Эртасига ўқишга борсам, гуруҳбошимиз Сарви ёнимга келди.

— Нега ундай қилдинг, жинни? — деди ҳе йўқ, бе йўқ.

— Нима қилман?

— Нега Бекзодни... яхшимас-да, бола бечорани қийнаб.

— Гапига тушунмадим.

— Ахир у сени севади-ку, тентак.

— Устимдан муздек сув қуйиб юбориш-гандек бўлди.

— Меними... нега?

— Севеди, тентак. Негамиш? Сенга айтолмай юрвди, қорбўрон баҳона гаплашиб олмақчийди...

— Сен қаердан била қолдинг, сирлаш-



Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

дингми? — энди қоним қайнай бошлади. — Жинни! Кеча шунақа қилиб кетиб қолганидан кейин кўлимга манави мактубни берди. Қорхат экан! Кейин ёрилди. Ичи тўла...

— Дард экан, дегин! Вой, бечорагина-ей!

Ўрнимдан турдим-да, кетиб қолдим. Аслида, табиғатим шунақа: ичимда муҳаббатга ташналик бўлса-да, сиртига чиқармайман. Балки мунис онамни отам ташлаб кетгани, бошқасини топгани учун юрагим эркак зотига умрбод қулф, деб ўзимга сўз берганим учундир. Ҳар ҳолда, унинг мактубини ўқимаёқ, деразадан қор уюрига иргитиб юбордим. Буни аудиториядагилар кўрди. Кимдир Бекзодга ҳам етказганов, энди у менга маънос, қандайдир алам ва ғамга тўлган нигоҳларини тикишдан тортинмас, кўзларида “наҳот умид йўқ”, деган ифода қотиб қолгандек эди...

Умид... бор эди. Балки, буни вақтида англаб етганимда, ҳозир У ёнимда бўлардим... Беозоргина қор отиб, ўша кунгидек хижолатли жилмайиб қўярмиди? Қайдам... Ўқини битирдим-у, унинг совчилари уйимизга серкатнов бўлиб қолди. Ойимга “ҳали яна ўқий, ишла”, деган баҳоналарни қалаштириб, уларга рад жавобини бердирдим. Шу-шу... умр ўтди, ўқидим, ишладим, барча ниятларимга етдим. Бироқ... қалб ҳамон хувуллаганча, ёпиқ эшикларини фақат Бекзодгагина очинишни таъкидлайди... Уни охириги марта икки йил олдин курсдошлар йигилишида кўргандим. Ҳамон ўша-ўша, нигоҳлари ҳам ушундай. Уйланмаганини эшитиб, юрагим бир қалқиди-ю, лекин совчиларига барҳам бериш учун “севганим бор”, деб алдаганим ёдимга тушди... Ушанда Бекзод мени тинч қўйган, шундан буён ҳаётимдан исзис йўқолганди.

Шу хаёллар билан уйга ҳам етиб келдим. Қирсам, ойим сўзсиз имлади: уйда меҳмон бор. Кийиниб чиқиб, ошхонага ўтдим.

— Ким экан, ойи?

— Совчилар, қизим, совчилар.

Ойимнинг юзларига йўқолган қувончи қайтган, лабларида табассум уйнарди.

— Фақат бу гал йўқ демагин, болам. Ахир мени ҳам ўйласанг-чи...

“Қадами узилаёзган совчилар кимдан экан?” ўйладим мен.

— Майли, розиман, — қўл силтадим. Чиндан ҳам бугунги хаёлларимга фақат шу гап нуқта қўя олади. Билмадим, Бекзодни унутманми, йўқми...

— Сен танийсан, қизим. Собик курс-

дошинг экан, аввал ҳам келганди-ку...

Юрагим ўша галгидек ожиз титради.

— Ким?..

— Бекзоджон.

Сукут сақладим... Ҳа, бу сукут розилик сукути эди. Уша кунгидек нон синдирилди. Мен эса бахтимни шунчалик илҳақ қутган эканманми, шу тун тўйиб йиғладим. Эртасига эса... Бекзод билан учрашдик. Бу гап... унга фақат меҳр билан тикилдим. Хиббон бўйлаб сўхбатлашиб кетдик.

Аста атрофга қарайман. Ёшлар қорбўрон уйнашарди. Бир қиз юзини ялаб ўтган қор тўпидан аччиқланиб, унга хижолатомуз нигоҳларини тиккан йигитга “нега айнан мен?” деган кўйи тикилиб турарди...



Муаллиф ҳақида:
Нодирабегим ИБРОҲИМОВА 1989 йил Фарғона вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ҳамда Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини тамомлаган. Асарлари республика ва хорижий нашрларда чоп этилган. “Жодугар ёхуд минг йиллик ҳаёт”, “Зулм ва муҳаббат”, “Мен, дадам ва Альцгеймер”, “Оқдан қизилга”, “Ойсиз тунлар” номли китоблари нашр этилган. Жаҳон адабиётидан ундан ошиқ қисса ва романларни ўзбек тилига ўтирган. 2017 йил Ёшлар иттифоқи мукофотининг наср йўналиши бўйича “Йилнинг энг яхши ёш иждодкори” йўналиши ғолиби. Оғаҳи номиди халқаро мукофот совридор.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

9 ФЕВРАЛЬ — МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

“Навоий, сўз айтурда фарзона бўл”

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намойн этиб, ер юзидagi миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Алишер Навоийнинг ижоди улкан. Олти дostonининг ҳажми ўзи 60 000 га яқин мисрани ташкил этади. Навоий асарларини қанчалик кўп ўқиган сари, ўрганган сари, шунча кўп ҳайратга тушади киши.


Шу боис Алишер Навоийнинг ҳар бир сўзи ҳозир ҳам пурмаъно ҳикмат бўлиб жарангламоқда, ҳозир ҳам бизга ибрат ва сабоқ бўлмоқда. Навоий асарларидаги “сўз” истилоҳи ранг-баранглиги, мазмунан кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари, Навоий қаерда “сўз” калимасини ишлатар экан, у қайси мазмунда келишидан қатъи назар, адабиёт ва у билан боғлиқ соҳалар (нутқ, сўзлаш воситаси, нотиклик, тил, ахлоқ, кишилар орасидаги муносабат ва бошқалар) ҳақида ҳам фикр юртади.

**Бўлмаса сўз ажаб бало бўлғай,
Булбули нутқ бенаво бўлғай.
Донаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.**

Навоийнинг бадий асарга бўлган қарашлари, кўпинча, назм ҳақида экан, “сўз” ҳам аксар пайта шеърӣ асарни ифодалаб келган. Шоир:

**Донаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил, —**

деганида, биринчи навбатда, бадий сайқал олган шеърӣ асарни назарда тутди. Худди шу хусусият Навоийнинг Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Абдураҳмон Жомий асарларини баҳолашида ҳам кўринади. Навоий ўз замондош-



ларининг ҳар қандай бадий асарини “сўз” деб атайтиди.

**Сўзинники яхши кўрарсан ўзинг,
Кўринмас ёмон чун эрур ўз сўзинг.**

Ёки:

**Сен ўзингни тонимас эрмишсан,
Ўз сўзингни тонимас эрмишсан.**

Яна бир мисол:

**Навоий сўз айтурда фарзона бўл,
Чу иш бошинга тушти, мардона бўл.**

Ушбу байтларда Навоий гўё ўзини ҳам огоҳликка чақиради. Аникроғи, улуғ шоир ўз асарларини яратар экан, ўқувчи олдда турк тилида яратилаётган илк дostonларининг келгуси тақдирини ўйлайди. Шоир бадий юксак, замондошлари ижодига ҳар томонлама баробар асарлар яратишга чоғланади. Бу меҳнат, машаққатларнинг қўллиги, оғирлиги олдда мардона туришга ундайди.

Улуғ адиб тилнинг ижтимоий заруратини қайта-қайта таъкидлайди. Сўзсиз ҳаётда гўзаллик, ривож бўлиши мумкин эмас. Тилни “сўз” билан ифодалаган шоир унинг моҳиятини, ҳаётӣ заруратини усталик билан очиб беради:

**Жисм бўстонида шажар сўздир,
Рух ашжориға самар сўздир.
Бўйла булбул навоси сўздиру бас,
Нағмаи жонфизоси сўздиру бас.**

Демак, булбул (шоир) фақат сўз орқалигина киши қалбини сеҳрлайди, “жонфизо” байтларни тизиб, ўзига хос “нағма” яратади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий асарларидаги “сўз” ўзининг ифодаси, мазмунан кенглиги ва ижтимоий фикрни ифодалаши билан алоҳида ажралиб туради. Навоий “сўз”ни адабиёт вазифалари, унинг ижтимоий аҳамияти билан бирга тушунди ва талқин этди.

Алишер Навоийнинг бой ва серкирра ижоди фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам салмоқли ўринга эга. Улуғ шоирнинг асарлари ҳаётлик даврида ҳам, ҳозирда ҳам барча учун севилимдир. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таъбири билан айтганда:

**“... Темур тиғи етмаган жойни қалам билан олди
Алишер”.**

**Жаҳонгир ТОЙБОЛАЕВ,
Ўғли ХОДЖАЕВА,
Фаргона вилояти тарихи
ва маданияти давлат музейи
ходимлари.**

ТАЛҚИН

Ҳар бир тилнинг ўзигагина хос сифати бор: туркча психология ва фалсафа, итальянча сёҳнат, французча севги тили, деб тавсифланади. Мен ўзбек тилига таъриф берганда оила, Ватан, мурувват тили дегим келади. Бу тилда гапирган вақтимда мени илқиклик, меҳр, хуш кайфият ва маданият руҳи қамраб олади. Ишонинг, ўзбекчада ҳеч кимга қаттиқ гапиролмайман. Шундай қилсам, гўё гулзорга кириб, атиргул, нарғис, полалар қолиб, чакртикан териб чиққандай бўламан.

“ЧАРЧАМАЯПСИЗМИ?” эмас, “ҲОРМАНГ!”

Бироқ она тилимизга дастлаб араб ва форс, кейинчалик рус ва инглиз тилларидан бир қанча сўзлар кириб келиб, мустаҳкам жойлашди.

Бизни кимдир қақирса, “ҳозир” деймиз, ваҳоланки, “лаббай” ёки “бир дақиқа” жавоби афзапроқ. “Ҳозир” рус тилидаги “сейчас” сўзидан тўғридан-тўғри таржима. Бундай жавоб русларга хос.

Бир кун университетга туркиялик муҳандис келди. Нияти ўзбек тилини ўрганиш экан, билганимча ўргата бошладим. Вақт ўтиб, ҳар дарс аввалида ўзбек тилида саломлашадиган, ҳол-аҳвол сўрашадиган бўлди. Қарасам, “Яхшимисиз?”, “Чарчамаяпсизми?” деган кунлик иборалар унга қизиқ туюлмоқда. Бир кун “Чарчамаяпсизми?” деган саволимга “Жуда чарчадим”, деди. Кутилмаган жавоб. Қулиб юбордим. Чунки у саволларни шу вақтгача кўнгил учун йўлига сўраб қўйилмаган, аслида, суҳбатнинг кириш қисми эканини тушунмаган экан.

Ҳақиқатан, нега биз ҳадеб бир-биримиздан “Чарчамаяпсизми?” деб сўраймиз?

Мен бир қанча тил биламан, аммо уларнинг бирортасида ҳам “Чарчамаяпсизми?” деб сўрашмайди. Уйланиб қолдим. Биз шу даражада кўп чарчаймишми? Нега биз иборани ишлатамиш? Ҳадеб “чарчамоқ” феълни тусайвермасдан, “Ўзингизни эҳтиёт қилинг!”, “Сизни яхши кўраман!”, “Ишларингизга ривож берсин!” “Ҳорманг!” десак бўлмайди? Булар экан, ҳаётга татбиқ қилиб кўрдим. Бу тахлит саломлашиш атофимдагиларга олдин қизиқ туюлди, кейинчалик улар ҳам кўникиб, ўзлари ҳам мулоқотда қўллай бошладилар.

“Чарчамаяпсизми?”, “Саломатмисиз?” каби саволлар йўл-йўлакай айтилса ҳам онг остига таъсир қилади, из қолдиради. Бора-бора одамда ростдан ҳам чарчоқ, ҳорғинлик кайфиятини уйғотади. Бу сўрловлар қачон тилимизга кириб келганини билмайман, яхши ниятда ёйилмагани аниқ. Аслида, катта авлод вақиллари бир-бирига савол эмас, далда, бугунги тилда айтганда, рағбат берган экан. Масалан, далада кетмон чапайган одамга “Чарчамаяпсизми?” дейиш қулғили. Албатта, чарчайди, толиқади. Шу пайтда доно халқимиз “Хирмонга баракал” ёки “Ҳорманг!” деб ўтиб кетишган. Бу келажакка умид белгиси.

Тил бизга берилган мўъжизалардан бири. Чиройли, мазмунли жумлалар уни янада жилоли қилади. Бир-биримиздан меҳрли сўзларимизни қизганмайлик, қўпол муомала, ноўрин шикоятлар қилмайлик.

Дилафруз АХМЕДЖОНОВА.

УМР ИБРАТИ

ИЛМДАН ТОПИЛГАН БАХТ

Инсон умри давомида қолдирадиган энг улуғ мерос — илм, тарбия ва шоғирдлар қалбида ёқилган маърифат чирғоғидир. Ана шундай ёруғ йўлни босиб ўтган, ўз ҳаётини фан ва таълимга бағишлаган етуқ олимлардан бири — физика-математика фанлари доктори, профессор Гулмирза Худойбергановдир. Бу йил устоз муборак 80 ёши нишонланмоқда.



ришимга рағбат, куч берган, талабалик йилларимда қатнашган математик анализ фанидан тўғрақ тарихини эслаб ўтишни ўзининг вазифам деб билдим.

Бундан роппа-роса эллик йил олдин Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) математика факультетининг биринчи курсида ўқир эдим. Биз ўзбек гуруҳида иккита гуруҳ эдик. Биринчи гуруҳда устозимиз Гулмирза Худайберганов, иккинчисида таниқли математик Мухамеджон Қиличчиёв Холқов математик анализ фанидан тўғрақ машғулотли ташкил этаётганини, мени ўша тўғраққа домланинг ўзлари тақдирини айтдилар. Мен биринчи курснинг иккинчи ярмидан, яъни баҳорги семестрдан ўша тўғраққа қатнаша бошладим.

Маълумки, ҳамма математик таълимнинг фундаментал асоси математик анализ ҳисобланади. Университет математика таълимида математик анализ фани 4 та семестр ўқитилади ва ўқув машғулотларига ажратилган ўқув юкларлари ҳам кўп. Шу даврда ташкил этилган математик анализ фани бўйича тўғрақ олий таълим муассасаларида талабалар билганини чуқурлаштириш, мураккаб масалаларни мустақил ечишга ўргатиш ва илмий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган муҳим илмий-ижодий фаолият шакли бўлиб хизмат қилар эди.

Америкалик олимлар Б.Гелбаум, Дж.Олмстеднинг 1967 йилда “Мир” нашриётида рус тилига таржима қилиниб, нашр этилган “Контр-примеры в анализе” (“Анализда контур масалалар”) номли китоби худди математика тўғраги учун яратилган ўқув қўлланмадек эди. Мазкур китоб математик анализ фанида ўрганилган мавзуларни тўлдиришда, яъни талабани фикрлашга ўргатишда, янги мавзуларни чуқур ўрганишда, шулар асосида илмий масалаларни ечишга ўргатишда, “тажрибасиз” талабалар учун “хавфли” саволларни ўрганишда муҳим ўрин тутган. Қизиғи, китобда масалаларнинг тўла исботи берилмаган. Талаба ўз устида ишлаб, турли ўқув адабиётларини ўқиш орқалигина уларни исботлай олади ва унда айрим масалаларнинг ғоялари берилган жойлари бор эди. Китобда чуқур мулоҳаза қиладиган, ўтилган мавзуларни ўзлаштиришни талаб қиладиган масалалар мавжуд бўлиб, булар талабани ижодий ёндашишга ундайдиган масалалар эди.

Буни қарангки, ана шундай илмга, фанга иштиёқ талаб ва берилган сабоқлар натижаси — ана шу тўғраққа мен билан бирга қатнашган талабалардан Баҳодир Шоймиқолов, Исоқжон Ҳамдамов, Ниятбай Утегилев, Сайлаббой Хосбергенов, Барликбай Пренов сингари дўстларимиз физика-математика фанлари докторлари, профессорлар бўлиб етишди. Бундан ташқари, тўғрақдошларим орасида физика-математика фанлари номзодлари, доцентлар ҳам бор.

Шундай. Устоздан олим она юрт шон-шарафи учун ўз устида тинмай ишлаши лозимлигини ўрганди. Шоғирдлар билан муносабатда бетақдор самимиётни ўрганди. Илмдаги ҳалоллик ютуқлар гарови эканлигини англади. Олим маънавияти бир нур сифатида жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳаётини ёритиб туришини устозимиз фаолияти мисолида кузатдик! Тан бердик!

80 йил — бу фақат вақт ўлчови эмас, балки илм йўлида сарфланган умр, минглаб шоғирдлар тақдирини, фан равнақиға қўшилган улкан ҳиссадир. Хурматли устозимизнинг ҳаёт йўли ёш авлод учун ҳаммиша илмга чорловчи дубоча бўлиб қолаверади.

Гулмирза Худойбергановни кутлуғ ёши билан самимий табриқлаб, у кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва илм равнақи йўлида яна кўплаб шоғирдлар тарбиялаш бахтини тилаймиз!

**Рўзимбой МАДРАХИМОВ,
олий таълим аълочиси,
профессор.**

ТАБИАТ ТИЛСИМЛАРИ



Табиатнинг ҳар бир ҳодисаси ажабтовур ва сирларга тўла. Одамлар қадим замонлардаёқ бу сирлардан воқиф бўлишга, “табиат тили”ни тушунишга ҳаракат қилишган. Чунки яшаш учун қурашда, албатта, табиат ҳодисалари билан ҳисоблашиш зарур саналади.

Айни баҳорда “илик узилди” бўлгани каби қишнинг қақшатиқ чилласида “ўрдақ қирғини”, “эшак ўлдирар” кунлар давом этади. “ўрдақ қирғини” деб аталган дамларда кундуз кунчи ҳаво илби, кечаси бирдан қаттиқ совуқ туради. Бунда кўл ёки бошқа сув ҳавзаларида сузиб юрган ўрдақ, қашқалдоқ, фоз каби қушлар совуқдан қотиб, музга ёпишиб қолади.

Бола пайтларимиз қиш келди дегунча шўрини ювиш учун экин майдонлари — далаларга сув очиб қуйишарди. Қаттиқ совуқ кунлари маҳалла эркеклари оёғига елим этик кийганча далама-дала айланаб юришарди. Улар тўнгиб, музга ёпишиб қолган ўрдақ, қашқалдоқ ва фозларнинг ишида тентиб юришганини биз яхши билардик. Бу кунлар бежиз “ўрдақ қирғини” деб аталмаган, албатта...

“Эшак ўлдирар” совуқ кунлар ҳам “ўрдақ қирғини”га уланиб келади. Бунда кундуз кунчи қуёш чарқлаб нур сочиб туради. Одамлар бугун қуёш яхши чиқибди, ҳаво илқика ўхшайди, деб энгил кийинганча кучага чиқишадиде, бироздан сўнг иссиқ кийимларини кийиш учун ортига қайтиб келишади. Табиатнинг бу каби “уйини” жониворларни ҳам алдаб қўяди. Ҳайвонлар ичида содда ва овсари бўлмиш эшак исиниб олиш учун тумшугини телага — қуёшга қаратиб тураверади. Жонивор танасининг бошқа жойи совуқотиб, музлаб қолганини ҳам сезмас экан. Оқибатда ярим кун шундай тургач, тап этиб ерга йиқилар экан. Шу сабаб ҳам қиш чилласидаги бундай дамларни “эшак ўлдирар кунлар” дейишган. Бундай кунларда бирор бир фойда кўраман деб бозор-ўнарда ёки бошқа бирор ишга ан-

дармон бўлиб юришдан қайтарилган. Ростми ёки йўқ, билмадим-у, қишнинг бундай хийлакор кунларидан нафс йўлида юрган одам ўлиб қолса, жанозаси мақбул бўлмайди, дейишарди боболаримиз.

Ўрта асрларда яшаб ўтган қомусий олим Абу Наср ас-Саолибий ўзининг “Йатимат ад-дахр” асаридида қиш кунлари Жайҳун, яъни Амударё суви музлаши ва устидан юк ортилган фил ва туялар ўтиши ҳақида ажабланиб ёзади. Ҳақиқатан ҳам йил — ун икки ой жазирама иссиқ бўладиган араб ўлкаси одамлари учун ҳайқириб оқаётган дарёнинг фил ва туяларни кўтарадиган даражада музлаши ҳайратланарли ҳодиса саналган. Бироқ эндиликда бугунги кунда Амударё музлашини кўрмай ўсаётган ўз фарзандларимиз ҳам бу ҳақда гапирганимизда ажабланиши, ишонмаслиги мумкин. Чунки кейинги чорак аср давомида пиширган аҳнор ва дарёлар суви музлайдиган даражада совуқ кузатилгани йўқ. Болалигимиз кечган XX асрнинг 70-80-йилларида Амударё суви музлаган, устидан йўловчи ва юк машиналари ўтиб-қайтгани ҳақида гапирсак, ёшлар афсона деб уйлашарини мумкин. Ўша даврларда Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятини ўзаро боғловчи кўприк бўлмаганидан одамлар қишда дарё музлашини кутиб ўтирарди. Ўзлар музлаган заҳоти катта-катта машиналар юк ташимишга, одамлар қуда-андачилик, борди-келдиларни бошлаб юборишарди.

Дарҳақиқат, бу йилги қиш ҳам энгил келмади. Унинг аччиқ ва қаҳратон совуқлари хали-хануз давом этмоқда. Лекин бу совуқ дарёларни тўнглатар қаҳратонининг олдда чиқора. Гарчи шундай бўлса-да, шундай лаҳзаларда ота-боболаримизнинг “эшак ўлдирар совуқда нафсингни тий”, деган ўғитлари ҳаёлдан кетмайди. Иссиққина уйда тинчгина балиқ шўрвани симириб ўтирганига не этсин!

Эрпўлат БАХТ,
журналист.

